БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 281 (18.159) • 5 декабрь 1981 йил, шанба • Баҳоси 2 тийин.

Л. И. БРЕЖНЕВ

ВАРШАВА ШАРТНОМАСИДА ҚАТНАШУВЧИ ДАВЛАТЛАР МУДОФАА МИНИСТРЛАРИ КОМИТЕТИНИНГ АЪЗОЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

4 декабрь куни КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар мудофаа министрлари комитетининг аъзоларини қабул қилди.

Л. И. Брежнев билан мудофаа министрлари ўртасида самимий суҳбат бўлиб ўтди.

Л. И. Брежнев комитет бажарган ишлардан мамнун эканлигини билдириб, министрларга Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашда янги муваффақиятлар тилади.

Суҳбатда СССР Қуролли Кучлари Бош штабининг бошлиғи — мудофаа министрининг биринчи ўринбосари Совет Иттифоқи Маршали Н. В. Огарков, Бирлашган Қуролли Кучлар Бош қўмондони Совет Иттифоқи Маршали В. Г. Куликов, Совет Армияси ва Ҳарбий-Деңгиз Флоти Бош сиёсий бошқармасининг бошлиғи армия генерали А. А. Епишев ва Бирлашган Қуролли Кучлар штабининг бошлиғи армия генерали А. И. Грибков ҳозир бўлдилар (ТАСС).



Суҳбат олдидан. В. Мусаэльян ва Э. Песов фотоси. (ТАСС—ЎзТАГ фотоси).

ҲАМИША ОЛДИНГИ САФДА БЎЛМОҚ КЕРАК

Яқинда СССР Олий Совети Президиумининг Ленинград областидаги қурувчилар бригадири Михаил Константинович Гуняга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони бериш тўғрисидаги Фармони эълон қилинди. Фармондаги сатрларда айтилишича, бу мукофот Кингисеппдаги «Фосфорит» ишлаб чиқариш бирлашмаси қурилишида эришилган ғоят катта муваффақиятлари учун берилган. Коммунист М. К. Гуня ўз ўртоқларини аҳил, жанговар коллектив қилиб жипслаштириб, бригада пудрати методини ўзлаштириб олиб, чиндан ҳам зўр меҳнат муваффақиятларига эриша олди, қурилиш суръатларини анча жадаллаштирди.

Ун биринчи беш йилликнинг янгидан-янги қаҳрамонлари номлари шуҳрат топмоқда. Улар кўмир қазиб чиқармоқдалар ва пўлат эритмоқдалар, ғалла етиштирмоқдалар ва янги машиналар ижод қилмоқдалар, болаларга таълим бермоқдалар ва беморларни даволамоқдалар. Уларнинг энг яхшилари орасида коммунистлар бор. Шундай бўлиши ҳам табиий: Ленин партиясининг аъзолари совет кишилари учун намуна бўлишлари лозим.

«Меҳнат коллективларидаги вазият, кайфият, демакки, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳам коммунистларнинг қандай ишлашига боғлиқ, — деди ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг 1981 йил ноябрь Пленумида. — Ҳар бир коммунист — бизда салкам ўн саккиз миллион коммунист бор — ўз участкасида бутун куч, тажриба ва билимини резервларни қидириб топишга, меҳнат самарадорлигини оширишга сарфлайдиган бўлиши керак, меҳнатдаги фидокорликнинг муносиб намунасини кўрсатиши лозим».

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқи, Марказий Комитет ноябрь Пленумининг қарорлари партия ташкилотлари зиммасига ўз жанговарлигини ошириш тўғрисида янада кўпроқ ғамхўрлик қилиш вазифасини юклайди. Бинобарин, киши шундай олиб бориш керакки, коммунист ҳамиша ва ҳар ерда юксак ижоий амалда оқласин, пешқадам бўлсин ва бошқаларни ўзига эргаштириб борсин. Партиянинг актив сиёсий жангчиларини воғга етказиш — барча партия ташкилотларининг энг муҳим вазифасидир.

КПСС Марказий Комитети «КПСС XXVI съездининг коммунистлар авангардлик ролини оширишга ҳамда уларнинг ишлаб чиқаришдаги ва ижтимоий турмушдаги активлигини ривожлантиришга доир қарорларини бажариш соҳасида Узбекистон Компартияси Самарқанд область комитетининг иши тўғрисида» яқинда қабул қилган қарорида айни шу фикрга асосланади. Бир областнинг партия ташкилотидаги вазиятни таҳлил этиш орқали бу ҳужжат ташкилотчилик, тарбиявий-ғоявий ишнинг жуда муҳим масалаларини ўртага қўяди, умумпартиявий аҳамиятга молик бир қанча хулосаларни баён этади.

Самарқанд область комитети партия XXV ва XXVI съездларининг қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмалари асосида областни иқтисодий ва социал жиҳатдан ривожлантириш вазифаларини амалга ошира бориб, коммунистларнинг авангардлик ролини кучайтиришга, уларнинг меҳнат ғайратини ва сиёсий активлигини ривожлантиришга кўпроқ эътибор бера бошлаганлиги қарорда уқтириб ўтилади. Аксарият коммунистлар ишга виждонан муносабатда бўлиш намунасини кўрсатмоқдалар, уларнинг кўплари қимматли ташаббус ва янгиликларни кўтариб чиқмоқдалар. Мана шуларнинг ҳаммаси хўжалик ва маданий қурилишнинг турли участкаларида партиявий таъсирни кучайтиришга кўмак бермоқда.

Шу билан бирга область партия комитети ишни КПСС XXVI съезди талаблари асосида қайта қуришга эришишга ва шу асосда ҳар бир коммунистнинг, барча партия ташкилотларининг юксак активлигини ва ўз коллективларидаги ҳамда умуман областдаги ишларнинг аҳволи учун масъулиятини таъминлашга муваффақ бўла олмади. Партия органлари ва бошланғич партия ташкилотлари партиянинг экономикани интенсив ривожлантириш, мавжуд резервлардан ва имкониятлардан тобора тўлатўкис фойдаланиш юзасидан ишлаб чиққан йўли изчиллик билан турмушга татбиқ этилишида лозим тарзда собитқадамлик кўрсатмадилар. Бир қанча корхона ва хўжаликлар орқада қолаётганлигининг, капитал қурилиш плани бажарилмаётганлигининг, бошқа нуқсонлар ва камчиликларнинг сабаби ҳам мана шу.

Энг катта сабабларнинг бири шундан иборатки, баъзи коммунистлар серунум меҳнат қилиш намунасини, ишни таҳлил этиш маҳоратини кўрсатмаяптилар. Партия аъзолари ва аъзоликка кандидатлари бошчилик қилаётган цехлар, участкалар, фермалар, бригадаларнинг бир қисми топшириқларни уддалай олмаяпти. Коммунистлар ўз социалистик мажбуриятларини бажармаётганликлари тўғрисидаги фактлар бор. Илғор тажрибани жорий этиш соҳасида етарли иш олиб борилмаяпти. Айрим раҳбарлар одамларга лозим даражада ғамхўрлик қилмаяптилар, хўжалик фаолиятининг социал-сиёсий ва тарбиявий оқибатларини эътиборга олмаяптилар. Шу билан бирга партия органлари ўзларини нотўғри тутаётган коммунистларга нисбатан либералларча муносабатда бўлишга йўл қўймоқдалар.

КПСС Марказий Комитети область партия ташкилотига раҳбарлик қилишдаги жиддий камчиликларга Узбекистон Компартияси Самарқанд область комитети бюросининг ва унинг биринчи секретари Б. Р. Раҳимовнинг эътиборини қаратди. Жумладан, обком, областдаги баъзи партия комитетлари коммунистлар ва кенг меҳнаткашлар оммаси ўртасида саботли ташкилотчилик ва сиёсий ишни авж олдириш ўрнига кўп ҳолларда ўзларининг асосий куч-ғайратларини турли-туман мажлислар ва кенгашлар ўтказишга, кўп миқдордаги қарорларни тайёрлаш ва қабул қилишга сарфлямоқдалар, бу қарорларнинг анчагина қисми умумий характерда бўлиб, уларнинг ижроси яхши контроль қилинмайди. Мана шу ва шунга ўхшаш камчиликларни қатъият билан тугатиш керак.

Ҳозир барча партия ташкилотларининг диққат-эътибори биринчи навбатда бу йилги ва умуман беш йиллик планларни муваффақиятли равишда бажаришга қаратилиши лозим. Бунинг учун эса коммунистлар ҳамма жойда социалистик мусобақанинг актив ташкилотчилари бўлишларини, иш самарадорлиги ва сифатини ошириш учун, иқтисод ва тежамкорлик учун, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, хўжалик юритишнинг интенсив методларини жорий этиш учун курашга бошчилик қилишларини таъминлаш муҳимдир. Оммаларнинг ташаббуси туфайли юзага келаётган жамики янгиликларни, илғор усулларни қабул билан оммалаштириш — актуал вазифадир.

Ишлаб чиқаришда ва жамоат турмушида коммунистларнинг активлигини ошириш учун ҳар бир партия ташкилоти ихтиёрида кўпгина форма ва методлар бор. Партия топшириқлари берилиш ҳам, марксча-ленинча ўқув ҳам, партия йиғилишлари сингари таъсирчан тарбия мактаби ҳам, Устав талабларининг бажарилиши тўғрисидаги ахборотлар, ишлаб чиқариш ва ижтимоий турмуш, ҳаётдаги хулқ-атвор масалалари хусусида ўтказиладиган суҳбатлар ҳам мана шу форма ва усуллар жумласига киради. КПСС Уставини, партия ва давлат интизомини бузаётган кишиларга нисбатан янада талабчанлик билан ёндашиш, танқид ва ўз-ўзини танқидни дадилроқ ривожлантириш лозим. Танқидий мулоҳазалар ва таклифларни, шу жумладан ҳисобот-сайлов партия йиғилишларида айтилган мулоҳаза ва таклифларни рўёбга чиқаришга кўпроқ эътибор берилиши керак.

Коммунистлар, олга! Жангчиларни ҳужумга даъват қилган бу шиор ҳозир Ленин партияси аъзоларини беш йилликнинг олдинги маррасига чорламоқда. Ҳар бир киши бу даъватга зардор меҳнат билан жавоб берсин.

(«ПРАВДА» газетасининг 4 декабрдаги бош мақоласи).

ПОЙТАХТ ҲИМОЯЧИЛАРИ ЖАСОРАТИ МАНГУДИР

Москва остоналарида немис-фашист қўшинлари тор-мор этилганлигининг 40 йиллигига бағишлаб Кремлнинг Съездлар саройида ўтказилган тантанали мажлис

АСРЛАР ўтар, аммо Улуғ Ватан урушининг суронли йилларида пойтахт ҳимоячилари кўрсатган қаҳрамонлик ва шоншавкат совет халқининг миннатдор хотирасидан ҳеч қачон ўчмайди. Совет Армиясининг Москва остоналаридаги ғалабаси бутун иккинчи жаҳон урушининг боришида туб бурилишни бошлаб берди, совет кишиларини меҳнатда ва жангда янги жасоратларга руҳлантирди, душман муқаррар тор-мор этилишига уларнинг ишончини мустаҳкамлади.

4 декабрь куни Кремлнинг Съездлар саройида халқ депутатлари Москва шаҳар ва Москва область Советларининг, КПСС Москва шаҳар ва Москва область комитетларининг Москва ҳамда пойтахт область меҳнаткашлари вакиллари ва Москва гарнизони жангчилари билан биргаликда немис-фашист қўшинлари Москва остоналарида тор-мор этилганлигининг 40 йиллигига бағишланган тантанали мажлиси бўлиб ўтди.

Залда Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветеранлари, меҳнаткашларнинг, Совет Армияси ва Ҳарбий-Деңгиз Флотининг вакиллари бор эдилар.

Мажлис аҳли Л. И. Брежнев, Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Я. Пельше, М. А. Суслов, И. А. Тихонов, Д. Ф. Устинов, К. У. Черненко, П. Н. Демичев, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, М. В. Зимянин, К. В. Русаков ўртоқларни ўринларидан туриб гулдурос, давомли қарсаклар билан қутиб олади.

Президиумда улар билан бирга КПСС Москва область комитетининг биринчи секретари В. И. Конотоп, КПСС Москва шаҳар ва Москва область комитетлари бюроларининг аъзолари, таниқли ҳарбий бошлиқлар, Москва остоналаридаги жанг қаҳрамонлари, социалистик мусобақа ғолиблари, фан ва маданият арбоблари, жамоат ташкилотларининг намояндалари бор эдилар.

Тантанали мажлисни Москва Совети ижроия комитетининг раиси В. Ф. Промислов очди.

Мажлисда йиғилиш аҳли самимий кутиб олган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Москва шаҳар партия комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин нутқ сўзлади.

Ватанимиз пойтахти остоналарида, Улуғ Ватан урушининг энг шиддатли ва улкан жангларидан бири авж олиб кетган ўша унутилмас кунлардан буён қирқ йил ўтди, — деди у. Ўша кунлар ҳаддан ташқари машаққатли кунлар эди. Гитлерчилар Германияси Москвага жуда катта кучларни ташлади. Шаҳар даҳшатли хавф остида қолди. Москва остоналаридаги буюк жанг немис-фашист қўшинларининг тор-мор этилиши билан тугади ва тарихга совет халқининг, совет халқи шони Қуролли Кучларининг қаҳрамонона жасорати сифатида абадий кириб қолди.

Немис-фашист қўшинларининг Москва остоналарида тор-мор этилганлиги бутун мамлакатимизда зўр сиёсий активлик ва ғайратшижоатни жўш урдириб юборди. Совет халқи, унинг шавкатли армияси партия раҳбарлигида тўрт йил давом этган урушнинг ғоят машаққатли синовларига бардош бериб, тарихда асло сўнмас жасорат кўрсатдилар — ғалаба байроғини Москвадан Берлингача, Волгадан Эльбагача шараф билан кўтариб ўтдилар, Ватанимизнинг озодлиги ва мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилиб қолдилар, Европа халқларини фашизм асоратидан халос қилдилар.

Совет кишилари, деб таъкидлади нотиқ, урушнинг биринчи кунлариданоқ фашист босқинчиларига қарши жанг қилиб бизнинг ишимиз ҳаққоний эканлигини, биз ғалаба қозонишимизни, чунки муқаддас, адолатли, озодлик урушини олиб борётганлигимизни билиб, бунга ишончлари комил эди.

(Давоми иккинчи бетда).

ВАРШАВА ШАРТНОМАСИДА ҚАТНАШУВЧИ ДАВЛАТЛАР МУДОФАА МИНИСТРЛАРИ КОМИТЕТИ МАЖЛИСИНИНГ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1—4 декабрь кунлари Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг пойтахти — Москва шаҳрида Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар мудофаа министрлари комитетининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлис ишида Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг мудофаа министрлари, Бирлашган Қуролли Кучлар Бош қўмондони ва Бирлашган Қуролли Кучлар штабининг бошлиғи иштирок этдилар. Мажлисда СССР мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали Д. Ф. Устинов раислик қилди.

Мудофаа министрлари комитети Бирлашган Қуролли Кучлар жорий фаолияти масалаларини кўриб чиқди ва тегишли қарорлар қабул қилди.

Мажлис ишчанлик вазиятида, дўстлик ва ҳамжиҳатлик руҳида ўтди.

Мудофаа министрлари комитети мажлисида иштирок этган иттифоқчи армияларнинг делегациялари В. И. Ленин мавзолейини зиёрат қилдилар, «В. И. Ленининг Кремлдаги кабинети ва квартираси» музейини бориб кўрдилар, В. И. Ленин мавзолейига гулчамбар қўйдилар.

Кремль девори ёнидаги Номаълум солдат қабрига ҳам гулчамбар қўйилди.

ПАРТИЯ БЕЛГИЛАБ БЕРГАН ЙЎЛДАН

Ўзбекистон Граждан авиацияси бошқармасининг ходимлари КПСС XXVI съезди тарихий қарорларига амал қилиб, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини ва СССР Граждан авиациясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб юбордилар. Бошқарма коллективи партия-хўжалик активининг 4 декабрь куни Тошкентда бўлиб ўтган йиғилишида шу ҳақда гапирилди. Йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг 1981 йил ноябрь Пленуми қароларидан, ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмаларидан келиб чиқувчи вазифаларни муҳокама қилдилар. Ўзбекистон Граждан авиацияси бошқармасининг бошлиғи Г. М. Рафиков доклад қилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Граждан авиацияси бошқармаси коллективининг 1982 йилги социалистик мажбуриятлари муҳокама этилди ва қабул қилинди.

Йиғилиш ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Т. Турсунов, СССР граждан авиацияси министрининг ўринбосари В. В. Кузькин қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

ҲУЖЖАТЛАР ВА МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ХАТЛАРИ БИЛАН ИШЛАШНИНГ ЛЕНИНЧА ПРИНЦИПЛАРИНИ ҚАРОР ТОПТИРАЙЛИК

4 декабрь куни Тошкентда партия республика кенгаши бўлиб ўтди, унда КПСС XXVI съезди талаблари асосида ҳужжатлар, хатлар билан ишлашни ҳамда меҳнаткашларни қабул қилишни ташкил этишни янада яхшилаш тадбирлари кўриб чиқилди.

Кенгашда область, шаҳар ва район партия комитетларининг иккинчи секретарлари, партия комитетлари умумий бўлимларининг мудирлари, область, шаҳар ва район партия комитетлари ҳузуридаги партия комиссияларининг раислари, мажмурий органларнинг ходимлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аппарати, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети, республика Халқ контроли комитетининг масъул ходимлари қатнашдилар.

Кенгашни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов кириш нутқи билан очди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Л. И. Греков кенгашда доклад қилди.

КПСС ва унинг Марказий Комитети давлатни идора қилишда аҳолини қатнаштиришнинг таъсирчан формаси, меҳнаткашларнинг турмуши, уларнинг талаб ва эҳтиёжлари, гражданларни қабул этишнинг ташкил қилиниши тўғрисида ахборотнинг қимматли манбаи бўлган меҳнаткашларнинг хат ва аризалари билан ишлашда ленинча принципларга риоя этилишига, илтимос ва таклифларни ўз вақтида, эътибор билан кўриб чиқиш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилишига жуда катта аҳамият бераётганликлари кенгашда таъкидлаб ўтилди.

Партия XXVI съезди қарорларига, шунингдек КПСС Марказий Комитетининг меҳнаткашлар хатлари ва таклифлари тўғрисидаги қарорига мувофиқ республика партия ташкилотида кадрларни кишиларга сезгир ва эътиборли бўлиш руҳида, сансалорлик ва бюрократизмнинг, гражданлар талаб ва эҳтиёжларига эътиборсизлик билан қарашнинг ҳар қандай кўринишларига муросасизлик руҳида тарбиялаш учун кўп ишлар қилинмоқда, деб уқтирилди кенгашда. Леонид Ильич Брежневнинг фаолияти ҳамма учун меҳнаткашларнинг хатларига ва талабларига чинакам партиявий ёндашишнинг мўъжиз намунасидир, у партия билан халқнинг алоқасини мустаҳкамлаш тўғрисида тинимсиз ғамхўрлик қилиб, кадрларимизга кишилар билан қандай ишлаш, ҳар бир совет кишисининг дилига йўл топа билиш маҳоратини ўргатмоқда.

Кенгашда таъкидлаб ўтилганидек, кўпгина партия комитетларида, жумладан Бухоро областида, Тошкент шаҳрида меҳнаткашларнинг аризалари билан ишлашда, гражданларни қабул қилишни ташкил этишда муайян тажриба орттирилди. Бироқ бу ишга дуруст аҳамият бермаётган айрим раҳбарлар учраб турибди. Ҳар бир хатни, ҳар бир таниқидий сигнални ўз вақтида қараб чиқиб, чора кўриш, шикоят туғилишига олиб келадиган сабабларни чуқур таҳлил қилиш ва уларни тугатиш учун самарали тадбирларни белгилаш, бу тадбирларни меҳнаткашларга маълум қилиш, бунинг учун матбуотдан, раҳбар ходимларнинг меҳнат коллективларига бориб улар билан суҳбат ўтказишидан, очиқ хат кунларидан кенг фойдаланиш лозим. Меҳнаткашларнинг хатлари, оғзаки илтимосларига эътибор ва ҳайрихоҳлик билан қаралишига эришиш зарур.

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроли комитети раисининг биринчи ўринбосари И. С. Густов, КПСС Марказий Комитети Хатлар бўлимининг мудири Б. П. Яковлев кенгаш иштирокчилари ҳузурида нутқ сўзладилар.

Кенгаш ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев қатнашди.

(ЎзТАГ).

ҲАММА—ШАНБАЛИККА!

СССР 60

ҚУТЛУҒ ҲАШАР

Кейинги йилларда қатор шанбаликлар ўтказилди. Улар экономикани тараққий эттириш, шаҳар-қишлоқларимизни ободонлаштириш соҳасида фойда келтирганлиги табиий. Москва шаҳар меҳнаткашлари Улуғ Ватан уруши даврида немис-фашист қўшинларининг Москва остоналарида тор-мор келтирилганлигининг 40 йиллиги шарафига шанбалик ўтказиш ташаббусини бошлаб бердилар. Бугун — 5 декабрь куни бутун мамлакатимиз меҳнаткашлари қатори Тошкент шаҳар саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, транспорт тармоқлари ва муассаса ҳамда идораларнинг коллективлари ҳам москваликлар ташаббусига қўшилиб, ўша тарихий ғалабамиз шарафига шанбалик ўтказишга аҳд қилдилар.

«Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчилари ва инженер-техник ходимлари москваликлар даъватига жавобан Тошкент шаҳрида шанбалик ўтказиш ташаббуси билан чиққан илғор коллективлардан бири ҳисобланишади. Бирлашмада 1700 киши шанбаликда фаол иштирок этади. Улардан 1500 ишчи ва инженер ўз меҳнат участкаларида фаолият кўрсатишади. Шанбалик куни камида 200 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Шуниси диққатга сазоворки, ишлаб чиқариладиган барча маҳсулот улуғвор ўн биринчи беш йиллигимизнинг дастлабки йилида тежаб қолинган хом ашё ҳамда материаллар ҳисобига тайёрланади. Чеварлар коллективи беш йиллик фондига шанбаликда ишлаб топилган маблағдан 3 минг сўм ўтказади.

Шанбаликда биргина Ленин районида бўйича 23.906 киши иштирок этади. Улардан 18606 киши ўз иш участкаларида меҳнат қилади ва ҳами 1 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилади. 1981 йилнинг ўтган даври мобайнида иқтисод қилиб қолинган хом ашё ва материаллар ҳисобига 293 минг сўмлик саноат маҳсулоти тайёрлаб чиқарилади. Район саноат корхоналарининг, меҳнат коллективлари шанбаликда ишлаб топилган маблағнинг 40.740 сўмини ўн биринчи беш йиллик фондига ўтказадилар.

Район қурилиш ва монтаж ташкилотларининг коллективлари 161 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришга аҳд қилганлар. Шундан 17 минг сўми ўн биринчи беш йиллик фондига ўтказилади. Қурувчилар коллективлари 2 минг дона мевали, манзарали дарахт кўчатларини ўтказадилар, 13 километр узунликда ирригация тармоқларини тозалайдилар, тартибга келтирадилар.

Қатор меҳнат коллективлари шанбалик куни кенг ҳажмда ободончилик ишларини олиб боришга қарор қилдилар. Химия-фармацевтика заводининг меҳнат аҳли янги ишга туширилаётган ампула цехида меҳнат қилишади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти коллективи янги қурилаётган газета корпуси объектида ишлайди. Район бўйича жами 1400 минг тук гул ва дарахт кўчатлари ўтказилади. «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи 140 минг сўмлик ўрнига шанбалик куни 145 минг сўмлик маҳсулот тайёрлайди, шундан 8,5 минг сўмини ўн биринчи беш йиллик фондига топширади.

Шубҳа йўқки, бутун мамлакатимиз меҳнат коллективлари қатори Тошкент шаҳри ишчи коллективларининг азаматлари ҳам СССР ташкил топганлигининг 60 йиллиги шарафига Москва остоналаридаги ғалабанинг 40 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган шанбаликда энг юқори меҳнат натижаларига эришдилар.

Ж. ХОЛҚОСИМОВ.

ПОЙТАХТ ҲИМОЯЧИЛАРИ ЖАСОРАТИ МАНГУДИР

(Боши биринчи бетда).

Коммунистик партия урушда совет халқининг йўлбошчиси, Ватанни ҳимоя қилишнинг, гитлерчи қўшинларни тор-мор этишнинг ташкилотчиси ва илҳомчиси бўлди. Партия, унинг Марказий Комитети, уруш бошланганидан кейин тез орада И. В. Сталин бошчилигида ташкил этилган Давлат Мудофаа Комитети мамлакатни душманга зарба беришга сафарбар этишнинг кенг қамровли программасини ишлаб чиқдилар. Улар урушнинг дастлабки кунларида жуда қийин сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий вазифаларни ҳал этдилар. Мамлакат ягона ва жипслашган ҳарбий лагерга айланди.

Жуда катта масофага чўзилган Совет — Германия фронтида шиддатли жанглар давом этарди. Аммо асосий воқеалар марказий йўналишда авж олиб борди. Душман Москвага ташланарди. Гитлерчилар тўдаси пойтахтни босиб олишга ниҳоятда зўр аҳамият берганди. Бу тўда, пойтахтни қишгача қўлга киритишни СССРга қарши урушни «ялиб тезлигида» тугаллаш билан боғлаганди.

Бироқ совет қўшинларининг қаттиқ мудофаа жанглари натижасида фашист армияларининг 1941 йил ёзги ҳужуми вақтида бирданига Москвага чиқиш йўлидаги уриниши барбод этилди. Нотиқ ана шу режаларни барбод этишда Смоленск районида олиб борилган ғоят кенг кўламли ва шиддатли жанглар ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга бўлганлигини қайд этди.

Фашист қўмондонлиги сентябрь охирлари — октябрь бошларида қўшинларини пойтахт томон бош ҳужумга ташлади. Москва остоналарида буюк жанг бошланиб кетди. Жанглар кенглиги салкам минг километрга борадиган майдонда қизиб кетди. Пойтахт жуда катта хавф остида қолган шундай бир танг пайтда партия: «Ҳамма жонажон Москвани ҳимоя қилишга!» — деб даъват этди. 1941 йилнинг кузида Москва фронт олди шаҳри бўлиб қолди.

Мамлакатнинг сиёсий штаби — партия Марказий Комитети, Давлат Мудофаа Комитети, Олий Бош Қўмондон Ставкаси — булар бутун Москва жанги давомида пойтахтда қолаверишди — пойтахтни енгилмас қалъага айлантириш, янги кучларни сафарбар этиш ва жойлаштириш учун барча чораларни кўрди.

Москвани мудофаа қилиш умумхалқ иши бўлиб қолди. Москва партия ташкилоти ўзининг бутун фаолиятини пойтахтни ҳимоя қилиш вазифаларига бўйсундирди. Июль ойларининг бошларида шаҳарда халқ лашкарларининг 12 та дивизияси ташкил этилган бўлиб, буларда 120 минг киши бор эди. Шуларнинг қариб ярми коммунистлар ва комсомоллар эди. Москва ҳаво мудофааси қўшинларига ва қирувчи батальонларга 42 минг киши қўшилди. Октябрда яна учта халқ лашкарлари дивизияси ва коммунистик дивизия, шунингдек Москва ҳаво мудофааси қўшинлари составиғаи 25 та батальон тузилди.

Партия Москва ҳимоячиларининг кучларини мустаҳкамлаш, уларни енгилмас қилиш учун ҳамма ишни қилди. Шарқий районлардан қўшинлар, қурол-яроғлар, ўқ-дори эшелонлари келиб турди. Совет Армияси жангчилари партиянинг, халқимизнинг ишончини батамом оқладилар. Улар Москва учун жангларда ўзларининг жанговар байроқларини сўнмас шон-шуҳратга буркадилар.

Натижада фашистларнинг Москва сари октябрь ҳужуми тўхтатилди. Аммо душман СССР пойтахтини ҳар қандай қилиб бўлса-да ишғол қилишга интиларди.

Ўша кунларда бутун мамлакатнинг, бутун дунёнинг нигоҳи Москвага қаратилган эди. В. В. Гришин 1941 йилнинг 6 ноябрида пойтахтда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ўтказилган тантанали мажлис, совет қўшинларининг 7 ноябрь куни Қизил майдондаги паради ғоят катта аҳамиятга эга бўлганлигини таъкидлади.

Совет қўшинлари мамлакат ичкарисидан берилаётган катта мададни ҳис этиб, душманга қарши шиддатли жанг қилдилар. Сиёсий раҳбар Клочков: «Россия беғоён бўлса-да, чекинишнинг иложи йўқ — ортимизда Москва», — деб айтганида пойтахт барча ҳимоячиларининг фикри-зикри ва ҳиссиётларини изҳор этган эди.

Совет учувчилари, ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари Москвани фашист авиациясининг ҳужумларидан мустаҳкам ҳимоя қилдилар. Шаҳар гитлерчилар учун қуруқликдагина эмас, шу билан бирга осмондан ҳам ўтиб бўлмайдиган қалъага айланди.

Партизанлар билан подпольечилар фашист қўшинларининг орқа томонида фидокорона кураш олиб бордилар. Москва областида 41 та партизанлар отряди, 377 та диверсия группаси актив иш олиб борди.

Ноябрь ойининг ўрталарида Москва учун жангнинг янги босқичи бошланди. Гитлерчилар қўмондонлиги ўз қўшинларини қайта гуруҳлаганидан кейин яна ҳужумга ўтди. Аммо бу ҳужум ҳам барбод этилди. Декабрь ойининг бошларида жангда бурилиш содир бўлди, фашистларнинг энг яхши дивизиялари ҳолдан тойдирилди, уларнинг резервлари тугади. Совет қўшинлари қаттиқ мудофаа жанглари гитлерчилар армиясини ҳолдан тойдириб, янги кучлар олиб ва ўзининг жанговар сафларини мустаҳкамлаб, 1941 йилнинг 5—6 декабрь кунлари қарши ҳужумга ўтдилар, ана шу ҳужум давомида Москва жанги қанотларидаги гитлерчиларнинг группировкалари батамом тор-мор этилди, ўн бир мингдан кўпроқ шаҳар ва қишлоқ озод қилинди.

Москва остоналаридаги қарши ҳужум Совет Армияси умумий ҳужумининг дебочаси бўлди, бу ҳужум 1942 йилнинг апрелигача давом этди.

Совет қўшинларининг Москва остоналаридаги жангда эришган буюк муваффақияти мўъжиза ҳам, тасодиф ҳам эмас эди. Бу муваффақиятга бизнинг армиямиз, бутун халқимиз Коммунистик партия раҳбарлигида эришди ва социалистик ижтимоий ва давлат тузумининг туб афзалликлари; Улуғ Ватан урушининг маънавий-сиёсий, чинакам халқчил, адолатли характери устунлиги шуни таъминлади.

Москвани бутун мамлакат ҳимоя қилди. Фашист босқинчиларига қарши жангларда халқлар дўстлиги, уларнинг Коммунистик партия тевараги да жипслиги яна ҳам мустаҳкамланди. Ягона сафда туриб бизнинг муштарак жонажон пойтахтимизни қаттиқ туриб ҳимоя қилиб қолган социалистик Ватанимиз барча миллатлари намояндаларига бўлган миннатдорчилик москваликларнинг қалбларида мангу яшайди.

Пойтахт ғоят катта таҳлика остида қолган бир пайтда минглаб москваликлар юксак онглилик, уюшқоқлик намуналарини кўрсатдилар ва душманни тор-мор этиш йўлида чарчаш нималигини билмай, меҳнат қилдилар. Шаҳар армиянинг жанговар ўчоғи ва аслаҳахонаси бўлиб қолган эди. Бир қанча заводларда ҳарбий маҳсулот — танклар, самолётлар, автомобиллар, миномётлар, ўқ-дорилар ишлаб чиқариш янгидан ташкил этилди.

Москва области ва унга қўшни областларнинг меҳнаткашлари пойтахтни москваликлар билан бирга елкама-елка туриб ҳимоя қилдилар. Москва областидаги шаҳарларнинг партия ва совет органлари, ана шу шаҳарларда тузилган маҳаллий мудофаа комитетлари меҳнаткашларни босқинчиларга зарба беришга уюштирдилар, Москва ҳимоячиларига катта ва хилма-хил ёрдам кўрсатдилар.

Пойтахт ва Москва области меҳнаткашларидан салкам 600 минг киши шаҳарни мудофаа иншоотлари билан ўраб олмоқ учун кеча-ю кундуз, ёмғир ва қорда, кўпинча тўп ўқлари ва бомбардимон остида меҳнат қилдилар.

Ватан СССР пойтахтининг, пойтахт ҳимоячиларининг жанговар ва меҳнат жасоратига юксак баҳо берди. Москва остоналаридаги жангларда кўрсатган жасорат ва мардликлари учун совет жангчиларидан 36 минг киши СССР орден ва медаллари билан мукофотланди. 110 жангчи ва партизан Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди, уруш йиллари мобайнида эса жами саккиз юздан кўпроқ москвалик шу унвонни олди. Бир миллиондан кўпроқ киши «Москва мудофааси учун» медали билан мукофотланган.

1965 йилнинг майида, совет халқи фашизм устидан қозонган ғалабанинг 20 йиллиги кунларида Москвага «Қаҳрамон шаҳар» фахрий унвони берилиб, унга Ленин ордени ва Олтин Юлдуз медали топширилди. Қаҳрамон шаҳар Туланинг, Калинин, Смоленск, Наро-Фоминск, Малоярославец, Калуганинг, пойтахт области ва унга қўшни областлардаги бошқа шаҳарларнинг Москва жангидаги хизматлари юксак мукофотлар билан тақдирланган.

Нотиқ урушдан кейинги йилларда мамлакатимиз пойтахтининг ҳаётида содир бўлган йирик ўзгаришларни таъриф лаб КПСС XXVI съезди нинг кўрсатмасига мувофиқ пойтахтни намунали коммунистик шаҳарга айлантириш йўлида муҳим қадамлар қўйилганлигини таъкидлади. Экономика, фан ва маданият муваффақиятли ривожланмоқда. Партия билан ҳукуматнинг доимий ёрдами, москваликларнинг ижодий меҳнати туфайли пойтахт ўсиб кенгайди, жаҳондаги энг обод шаҳарларнинг бири бўлиб қолди. Москва областидаги шаҳар ва қишлоқлар ўсиб тобора ривожланмоқда. Область меҳнаткашлари саноат ва қишлоқ хўжалигида катта муваффақиятларга эришдилар. Москваликлар ва Москва области меҳнаткашларининг моддий фаровонлиги, уларнинг маданий савияси муттасил ошиб бормоқда.

Ҳозир бизнинг мамлакатимиз коммунизм қуриш учун курашнинг янги босқичида турибди, деб давом қилди сўнгра В. В. Гришин. КПСС XXVI съезди шу йўлдаги тарихий босқич бўлиб бу съезд ҳозирги замоннинг туб проблемаларини чуқур илмий анализ қилиб берди, ўн биринчи беш йиллик ва 80-йиллар учун катта вазифаларни ўртага қўйди. Халқ фаровонлиги ва бахт-саодати тўғрисида, коммунистик қурилиш учун тинч шароитларни вужудга келтириш ҳақида ғамхўрлик қилиш партия режаларининг марказидадир.

Мамлакатни янада иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг КПСС Марказий Комитети 1981 йил ноябрь Пленуми ва СССР Олий Совети сессиясининг қарорларида, ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган муҳим ва сермазмун нутқида таъриф лаб берилган масъулиятли вазифалар Москва ҳамда Москва области меҳнаткашларидан яна ҳам зўр куч-ғайрат сарфлашларини талаб этади. Пойтахт ва область меҳнаткашлари, деб уқтирди нотиқ, Москва остоналаридаги ғалабамизнинг 40 йиллигини нишонлаш юзасидан 5 декабрь куни оммавий коммунистик шанбалик ўтказадилар.

В. В. Гришин ҳозирги халқаро аҳвол тўғрисида гапириб, шуни таъкидладики, Совет Иттифоқи, қардош социалистик мамлакатлар империалистлар авж олдириб юборган ҳарбий вазиятга зўр бериб қуролланиш пойгасига уруш хавфини бартараф этиш учун принципиал, изчил курашни қарама-қарши қилиб қўймоқдалар. Тинчлик учун, кескинликни юмшатишни мустаҳкамлаш, қуролсизланиш учун кураш партиямиз, унинг Марказий Комитети, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси фаолиятининг марказида турибди. Ўртоқ Л. И. Брежнев бу курашда ғоят катта роль ўйнамоқда. Унинг актив ташқи сиёсий фаолияти, кўпдан-кўп халқаро ташаббуслари тинчликни мустаҳкамлашга қўшилган муҳим ҳиссадир.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг ГФРда ўтказган музокаралари ва суҳбатлари, унинг учрашувлари ва нутқлари 80-йиллар учун мўлжалланган Тинчлик программасини амалда рўёбга чиқариш борасида СССРнинг катта сиёсий тадбири бўлди. Леонид Ильичнинг ГФРга қилган визити ғоят том маънодаги тинчлик миссияси бўлиб, бу визит икки томонлама Совет — Ғарбий Германия алоқалари учун ҳам, шунингдек Шарқ билан Ғарб ўртасидаги муносабатларнинг бутун комплекси учун ҳам алоҳида аҳамиятга моликдир. Музокараларда олға сурилган янги, олисни кўзловчи таклифлар Европани ядро ёғғини хавфидан халос қилмоқ учун Ғарбий Европа мамлакатлари ва АҚШ билан ўзаро мақбул аҳдлашувга, томонларнинг тенглиги ва баб-баравар хавфсизлигига асосланган аҳдлашувга эришишдан иборат олижаноб мақсадга хизмат қилади.

КПСС тинчлик сиёсатини изчиллик билан ўтказа бориб ғоятда хушёрлик қилмоқда. Партия мамлакатимизнинг, иттифоқчиларимиз ва дўстларимизнинг хавфсизлик манфаатларига ҳеч қачон зид иш қилмайди. КПСС фақатгина мамлакатнинг кучли мудофааси, СССРнинг қудратли Қуролли Кучларигина совет Ватани, бутун социалистик ҳамдўстликнинг хавфсизлиги ва ҳаётий манфаатларини ҳимоя эта олишига асосланади.

Мамлакатимизнинг меҳнаткашлари, улар билан бирга барча москваликлар ҳам партиянинг ички ва ташқи сиёсатини, унинг тинчликсевар ташқи сиёсий йўлини, Марказий Комитетнинг, КПСС Марказий Комитетининг ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Сиёсий бюросининг кўп қиррали фаолиятини батамом маъқулламоқдалар ва қизғин қўллаб-қувватламоқдалар.

Совет кишилари ўртоқ Л. И. Брежневни замонамизнинг атоқли партия ва давлат арбоби, улуғ Ленин ишининг давомчиси, коммунизм учун, давлатимизнинг иқтисодий қудрати ва мудофаа қудратини мустаҳкамлаш учун, халқ фаровонлиги ва бахт-саодати учун, тинчлик учун, қуролланиш пойгасини жиловлаш ва халқаро хавфсизлик учун оташин курашчи деб биладилар. Яқин орада биз ўртоқ Л. И. Брежнев туғилган куннинг етмиш беш йиллигини нишонлаймиз. Совет халқи, барча прогрессив инсоният шу шонли юбилейни нишонлар экан, Леонид Ильичга сиҳат-саломатлик, партия ва мамлакатга раҳбарлик қилиш, халқларнинг тинчлиги ва хавфсизлигини ҳимоя этиш соҳасидаги бутун фаолиятида унга янгидан-янги катта муваффақиятлар тилайди.

Биз коммунистик бунёдкорлик вазифаларини бажаришга оммани сафарбар этар эканмиз, уларни партия ва унинг Марказий Комитети тевараги да, ўртоқ Л. И. Брежнев тевараги да яна ҳам қалиброқ жипслаштиришимиз керак, деди пировардида В. В. Гришин. КПСС XXVI съезди қарорларини амалга ошириш учун, халқ фаровонлиги учун, Ватанимизнинг тинч келажаги учун, коммунизм қуриш учун кураш тўла муваффақият қозонишининг гарови мана шундадир.

Мажлисда армия генерали, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони **А. П. Белобородов**, Москва область Уваров партизанлар отряди жанговар группасининг собиқ командири **И. Е. Циганков**, Москвадаги Серго Оржоникидзе номли «Станкостроительный завод» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси **А. М. Хромова** гапирдилар.

Нутқларда айтиб ўтилдики, совет кўшинларининг Москва бўсағаларидаги ҳужуми совет халқи учунгина эмас, ер юзидаги барча соф виждонли кишилар учун ҳам буюк ва шодиёна воқеа бўлди. Яшин тезлигида уруш стратегияси чиппакка чиқди, гитлерчи генералларнинг обрўси зил кетди, урушда туб бурилиш бошланди.

Бугунги кунда барча совет кишиларининг куч-ғайратлари сингари Москва шаҳри ва пойтахт области меҳнаткашларининг куч-ғайратлари партия XXVI съезди нинг қарорларини, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажаришга қаратилган, деб таъкидлашди нотиқлар. КПСС Марказий Комитетининг 1981 йил ноябрь Пленуми, СССР Олий Советининг олтинчи сессияси белгилаб берган мамлакатни янада иқтисодий ва социал ривожлантириш, халқ фаровонлигини ошириш истиқболлари москваликларни зардоларга серунум меҳнат қилишга рухлантирмоқда.

Москва гарнизонининг жангчилари, пойтахт ва область ёшларининг вакиллари тантанали мажлис қатнашчиларини табриклардилар.

Мажлис қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советига, ўртоқ Л. И. Брежневга табрикнома қабул қилдилар. Улар табрикномада қаҳрамон шаҳар Москва ва Москва областининг Коммунистик партия тевараги да маҳкам жипслашган меҳнаткашлари партия билан халқнинг шонли революцион, жанговар ва меҳнат анъаналарини муқаддас билиб асраб, кўпайтиравердилар, севикли Ватаннинг бахт-саодати ва равнақи йўлида партиянинг улуғвор режаларини амалга ошириш учун ҳамма куч-ғайратларини сарфлайверадилар, деб ишонтирдилар. ТАСС).

А. А. ГРОМИКО ВАТАНИГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

БУХАРЕСТ, 3 декабрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико бугун Бухарестдан жўнаб кетди. У Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар ташқи ишлар министрлари комитети мажлисида қатнашди, шунингдек РКП Бош секретари, Руминия Социалистик Республикаси Президенти Н. Чаушескунинг таклифига биноан расмий дўстона визит билан РСРда бўлди.

Аэропортда А. А. Громикони РКП Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитети аъзолигига кандидат, РСР ташқи ишлар министри Ш. Андрей, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

Кузатиб қолувчилар орасида СССРнинг Руминиядаги элчиси В. И. Дрозденко бор эди.

* * *

А. А. Громикони Москва аэродромида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари А. П. Кириленко, КПСС Марказий Комитети аъзолари В. Ф. Мальцев, Н. М. Пегов, О. Б. Рахманин, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида РСРнинг СССРдаги элчиси Т. Дудаш бор эди.

(ТАСС).

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИ

ЖИЗЗАХ, 4 декабрь. (ЎзТАГ). Жиззах область партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг 1961 йил ноябрь Пленуми якунларини ҳамда область партия ташкилотининг партия Марказий Комитети Пленуми қарорларидан ҳамда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган нутқида айтилган йўл-йўриқлардан келиб чиқадиган вазифаларини муҳокама қилдилар. Область партия комитетининг биринчи секретари Т. Б. Боймиров доклад қилди.

Пленум қатнашчилари ўн биринчи беш йилликда капитал қурилиш программасини бажариш борасида область партия ташкилотининг вазифаларини ҳамда КПСС XXVI съездининг қарорлари асосида области қурилиш ташкилотларини ташкилий-техника жиҳатдан мустаҳкамлаш чораларини ҳам муҳокама қилдилар.

Пленум ўн биринчи беш йилликда ва 1982 йилда области нинг иқтисодий ва социал ривожлантириш давлат планларининг ҳамда 1982 йилги маҳаллий бюджетнинг лойиҳаларини асосан маъқуллади.

БУЮК ҒАЛАБАГА БАҒИШЛАБ

«Россия беғоён бўлса-да, чекинишнинг иложи йўқ — ортимизда Москва!». Москва бўсағаларидаги ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган шаҳар илмий-назарий конференциясининг қатнашчилари 4 декабрь куни Тошкентдаги округ Офицерлар уйида йиғилганларида тилларда достон қаҳрамонлар — панфиловчиларнинг сиёсий раҳбари айтган шу ўлмас сўзларни яна бир бор эсладилар. Партия ходимлари, олимлар, жангчилар, бундан қироқ йил аввал Ватанимиз пойтахти учун жанг қилган Улуғ Ватан урушининг ветеранлари ўз сўзларида иккинчи жаҳон урушининг боришида туб бурилиш бошлаган Москва бўсағаларидаги жангнинг оламшумул тарихий аҳамияти тўғрисида, совет халқини шу жангда ва фашизмга қарши барча жангларда ғалабага руҳлантирган Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг роли тўғрисида гапирдилар. (ЎзТАГ).

ШОНЛИ ЮБИЛЕЙ

Гидрометеорология хизмати ташкил этилган кунга 60 йил тўлди. 4 декабрь куни Тошкентда шу шонли санага бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда гидрометеорология ва табиий муҳитни контроль қилиш ўзбекистон республика бошқармасининг ходимлари, шунингдек партия, совет, жамоат ташкилотларининг вакиллари иштирок этдилар. Йиғилишда СССР Гидрометеорология ва табиий муҳитни контроль қилиш давлат комитетининг раиси Ю. А. Израэль нутқ сўзлади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. С. Ашуралиев бошқарма коллективига республика Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғини топширди. (ЎзТАГ).

Деҳқон бўлсанг, шудгор қил!

Республика областларида шудгорлашнинг борыши тўғрисида шу йил 4 декабрга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда шудгорланган майдон; учинчи устун — мавсум бошидан бўён (топшириққа нисбатан процент ҳисобида).

ТОШКЕНТ	—	100,0
ҚҚАССР	0,8	91,2
Сирдарё	3,2	80,7
Жиззах	3,5	77,0
Наманган	5,0	61,8
Фарғона	3,6	50,6
Хоразм	0,7	50,3
Андижон	3,0	43,1
Қашқадарё	2,5	36,4
Бухоро	1,7	32,0
Самарқанд	1,7	31,2
Сурхондарё	0,3	12,8
Республика бўйича:	2,2	54,1

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ А. ИМОМАЛИЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йил, самарали ишлаганлиги, пахтачиликни ривожлантиришдаги хизматлари учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан ВАСХНИЛ академиги, биология фанлари доктори, Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-тадқиқот институти (СоюзНИХИ) директори Абдували **Имомалиев** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. УСМОНХЎЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри,
1981 йил 4 декабрь.

ПЛАНЕТАНИНГ БИР КУНИ

А. А. ГРОМИКОНИНГ РУМИНИЯГА ВИЗИТИ ТЎҒРИСИДА СОВЕТ—РУМИНИЯ АХБОРОТИ

Расмий дўстлик визити билан 2—3 декабрь кунлари Руминияда бўлган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико РКП Бош секретари, РСР Президенти Н. Чаушеску билан бир неча бор суҳбатлашди.

А. А. Громико Н. Чаушескуга КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневдан салом ва энг яхши тилаклар топширди.

Ўртоқларча вазиятда ўтган суҳбатлар давомида халқаро сиёсатнинг баъзи энг муҳим проблемалари юзасидан, шу жумладан Европага тааллуқли проблемалар ҳамда Совет — Руминия икки томонлама ҳамкорлиги масалалари юзасидан батафсил фикрлашиб олинди.

Совет — Руминия муносабатлари масалаларининг муҳокамаси иккала томоннинг энг олий даражадаги Совет — Руминия учрашувлари руҳида ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантиришга ва такомиллантиришга интилаётганлигини тасдиқлади.

Халқаро проблемаларни кўриб чиқиш чоғида Совет Иттифоқи ва Руминия бошқа қардош социалистик давлатлар билан биргаликда тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашга, қуролланиш пойгасини жиловлаш ва қуролсизланишга, халқаро кескинликни юмшатишни чуқурлаштиришга ўз ҳиссасини қўшишга қаттиқ аҳд қилганлиги таъкидланди. Шу муносабат билан Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар ташқи ишлар министрлари комитетининг 1981 йил 1—2 декабрь кунлари Бухарестда бўлиб ўтган мажлисида маъқулланган таклифларнинг тинчлик ва кескинликни юмшатиш иши учун муҳим аҳамияти қайд этилди.

НАТОнинг Европада Американинг ўртача олисликка учадигай янги ядро қуролини жойлаштириш тўғрисидаги қарори айниқса хатарли эканлиги уқтириб ўтилди. Ҳар иккала томон қуролланиш пойгасини жиловлаш, Европадаги ҳарбий қарамақарши туриш даражасини пасайтириш зарурлигини таъкидлаб ўтди. Л. И. Брежневнинг ГФРга қилган визити вақтида у ўртага қўйган янги амалий таклифларнинг муҳимлиги қайд этилди.

1981 йил 30 ноябрда Женевада янгидан бошланган музокаралар Европадаги кучларнинг муқим мувозанати шароитида ядро қуролларининг бирмунча пастроқ даражасида Европадаги ҳамма давлатларнинг хавфсизлигини мустаҳкамлашга олиб келиши лозимлигини ҳам иккала томон таъкидлаб ўтди.

Томонлар давлатлар ўртасидаги барча низоли масалалар халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш талабларига ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставига мувофиқ равишда мулоқот, музокаралар йўли билан тинч ҳал этилиши зарурлигини айтдилар.

Совет Иттифоқи билан Руминия империализмга, эски ва янги мустамлакачиликка қарши, катта ва кичик ҳамма давлатларнинг миллий мустақиллиги ҳамда суверенитети учун олиб бораётган кураши билан мададкор ва бирдам эканликларини яна тасдиқладилар.

Улар ҳозирги халқаро вазият шароитида ўзларининг ҳам икки томонлама асосдаги, ҳам Варшава Шартномасидаги бошқа мамлакатлар билан ҳамкорлиги ва баҳамжиҳат ҳаракати алоҳида муҳим аҳамият касб этади, деб ҳисоблайдилар.

ИСПАНИЯ:

ҲУКУМАТДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Испания ҳукуматининг раиси Леопольдо Кальво Сотело ўзининг бир партияли кабинетидаги министрларни ўзгартирди ва янги лавозимларни жорий этди.

Ҳукуматда олти министр, жумладан, маданият, маориф ва университетлар, соғлиқни сақлаш ва истеъмол, меҳнат ва социал таъминот министрлари ўзгартирилди. Кабинетда ҳукумат бошлиғининг сиёсий масалалар билан шуғулланувчи биринчи ўринбосари ва ҳукумат бошлиғи ҳузуридаги (парламент билан алоқа қилувчи) министр янги лавозимлари ҳам таъсис этилди.

Испания ҳукуматида эълон қилинган ўзгаришлар мамлакат олдида турган проблемаларни ҳал этишга ёрдам бермайди, лекин бу демократик марказ иттифоқи ҳукмрон партиясидаги ихтилофларни бостириш йўлидаги уринишдир, холос. (ТАСС).

ЭРОН — ИРОҚ:

ШИДДАТЛИ ЖАНГЛАР

Эрон — Ироқ фронтининг жанубий участкасида шиддатли жанглар тўрт кундан буён давом этмоқда.

Эрон қуролли кучлари бирлашган штабининг маълумотларига кўра, Эрон қўшинлари Бўстон шаҳри районидаги қаттиқ жанглар давомида уч кун ичида душманнинг 100 та танкини яксон қилдилар. Ироқ ҳарбий хизматчиларидан 1.500 дан кўпроқ киши ўлдирилган ва ярадор қилинган, 1.300 киши асирга олинган. Эроннинг Хузистон вилояти устидаги ҳаво жангларида ўтган кунлар мобайнида Ироқнинг тўққизта ҳарбий самолёти уриб тушириллганлиги хабар қилинади.

Ироқ бош ҳарбий қўмондонлигининг хабарига кўра, Бўстон ва Сусангард шаҳарлари районида тўрт кундан бери давом этаётган жангларда Эрон томони 104 та танкидан, 16 та бронетранспортеридан, 34 та юк машинасидан, бир қанча артиллерия тўпларидан маҳрум бўлган. Эроннинг 3 самолёти уриб туширилган. Жанглар давомида Эроннинг 2.400 ҳарбий хизматчиси ўлдирилган.

(ТАСС).

ПОЛЬШАДАГИ АҲВОЛГА ДОИР

Варшавадаги «Урсус» тракторсозлик заводи партия ташкилотида ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, партия Марказий Комитетининг секретари С. Ольшовский билан учрашув бўлди. Партком секретари М. Валь учрашувни очиш пайтида сўзлаган нутқида бу корхонада ҳам социализм душманлари активлашаётганини айтди. Завод партия ташкилотини тарқатиб юбориш учун кампания олиб борилмоқда. Биз, деб таъкидлади М. Валь, партия билан ишчилар синфи ўртасига нифоқ солинишига асло йўл қўймаймиз. Қарорлар қабул қилавериш етар. Энди сўздан конкрет ишларга ўтиш пайти келди. Марказий маъмурият органлари қатъият билан ҳаракат қилишлари керак.

С. Ольшовский ўз нутқида «Бирдамлик» касаба союз бирлашмасининг ҳаракатларини социалистик тузумга қарши ошкора синфий кураш деб таъриф лади. Бу кураш тобора кучайиб бормоқда, «Бирдамлик»нинг турли бўғинлари уйдирма ва ивогарона баҳоналар билан қабул қилаётган резолюцияларда ва ўртага қўяётган талабларда шу нарса ўз аксини топмоқда. В. Ярузельский мана шундай шароитда биз уларнинг ҳаракатларига яраша иш тутамиз, деб айтишга мени вакил қилди, деди сўзини давом эттириб С. Ольшовский. Биз Валенса, Буяк, Рулевский ва бошқалар бундай шум ниятларни рўёбга чиқаришларига йўл қўйиб бермаймиз, деб хомтама бўлмай қўя қолсинлар.

С. Ольшовский оммавий ахборот воситаларидаги аҳволга тўхталиб, сиёсий ва ижтимоий турмушнинг бу муҳим соҳасида партиянинг раҳбарлик роли пасайиб қолганлигини қайд этди. «Бирдамлик»нинг Варшава ташкилоти радио ва телевидениеда забастовка уюштиришга урининг кўриши эҳтимолдан холи эмас. Аммо биз, аввал бўлганидек, бу гал ҳам уларни радио ва телевидениега йўлатмаймиз.

Сўнгра С. Ольшовский Варшавадаги ўт ўчириш офицерлари билим юртидаги воқеаларга тўхталиб ўтди. Бу ердаги курсантларнинг бир қисми ивогарларнинг гапига учиб, сиёсий шиорлар билан забастовка қилган эди. Забастовкага «Бирдамлик» Варшава бўлимининг раҳбарларидан бири бошчилик қилиб, курсантларни ички ишлар министрлигига бўйсунмасликка ва «Бирдамлик» томонидан ёрдамга чақирилган «ишчилар муҳофазаси бригадалари» билан биргаликда ҳокимият органларига қаршилик кўрсатишга чақирди.

Экстремистлар, деди С. Ольшовский, билим юртидан ички ишлар министрлигига бундан буёнги ҳужумлар учун синов майдони сифатида фойдаланиш ниятини кўзлаган эдилар. Партия-ҳукумат раҳбарлари билим юртини тозалашга қарор қилдилар, бу қарор амалга оширилди ҳам. Шунда ҳокимият ўз кучини кўрсатди. Кўрилган чоралар анча қатъий сиёсат ўтказиш талабига жавоб бўлди.

С. Ольшовский ҳукуматда касаба союзлари билан алоқа учун жавоб берувчи министр С. Чосек билан Л. Валенса ўртасида бўлиб ўтган музокаралар тўғрисида ахборот берди. Л. Валенса ўт ўчирувчилар билим юртидаги можаро бартараф этилганлиги тўғрисидаги хабарни эштитиб асабийлашди ва мамлакат раҳбарлари шаънига дўқ-пўписа гаплар айтди.

Воқеаларнинг қалтис йўлдан ривожланишига тайёр бўлиб туриш керак, чунки касаба союз бирлашмасида айни мана шу йўлга интилувчи бирталай кучлар бор, деб уқтирди С. Ольшовский. Янги «клублар» тузган, аслида эса сиёсий партия ташкил этган Куроннинг хатти-ҳаракати бунга мисол бўла олади. Яқинда «Бирдамлик»нинг Варшава бўлимида мана шу «клублар» вакилларининг иккинчи учрашуви бўлиб ўтди, унда мазкур ташкилотнинг программаси муҳокама қилинди. Янги сиёсий партия агрессив антисоветизмга асосланмоқда.

С. Ольшовский Польшадаги иқтисодий аҳволни тавсифлаб, иқтисодий турмушнинг ҳамма соҳаларида кескин пасайиш рўй бераётганини айтди. Биз социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг ва биринчи галда Совет Иттифоқининг ёрдамига кўз тутишимиз мумкин, аммо ҳамма умидни унга боғлаб қўймаслик керак. Ҳозирги асосий вазифа меҳнат қилишдан иборат. Биз меҳнатсиз ҳеч нарсага эриша олмаймиз, деб таъкидлади С. Ольшовский. (ТАСС).

ВАРШАВА.

ЖЕНЕВАДАГИ МУЗОКАРАЛАР

ЖЕНЕВА, 4 декабрь. (ТАСС). Бугун бу ерда Европада ядро қуролларини чеклаш тўғрисидаги Совет-Америка музокараларида СССР ва АҚШ делегацияларининг навбатдаги ялпи мажлиси бўлиб ўтди.

Редакция почтасидан

ЗАРБДОРЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

УСТА

Горелкадан чиқаётган кўкимтир оловнинг тиғи тобора ингичкалашиб, охири бир нуқтага бориб тўпланди. Қора кўзойнак таққан коржомали пайвандловчи чап қўлига ушлаб олган симни оловга оҳиста яқинлаштириб, пайвандланаётган буюмга тегизади. Зум ўтмай эриган сим парчаси буюмнинг ёриқларини тўлдиради. Бу ишни кузатиб турар эканмиз, пайвандловчи ўз ишининг маромини олганлигига ишонч ҳосил қилдик.

«Госкомсельхозтехника» Пахтачи район бирлашмаси бошланғич партия ташкилотининг секретари Сафар Бўриев бизга пайвандловчини таништирди.

— Йигирма йилдан бери КПСС аъзоси, Меҳнат Қизил Байроқ ордени, «Шавкатли меҳнати учун» медали соҳиби, ҳурмати баланд ишчиларимиздан бири Жаббор ака Холмўминов.

Биз бу бирлашмада 25 йилдан бери пайвандловчилик касбини шарафлаб келаётган Жаббор ака ҳақида илгари ҳам эшитгандик. Лўда қилиб айтганда, у киши район ва область партия комитетларининг аъзоси, область партия конференциялари делегати, бир беш йилликда икки беш йиллик планини бажариш ташаббуси билан чиққан илғор ишчилардан бири. Жаббор ака очиқ кўнгил, дилкаш киши. Босиқ, маънодор сўзларидан катта ҳаёт тажрибаси борлиги билиниб туради.

— Энг аввало касбга қизиқиш, ишга кўнгил қўйиш лозим. Ахир, иштиёқсиз кишининг қўлидан нима ҳам келади, — дейди у киши. — Мана, мен бирлашмада чорак асрдан бери меҳнат қиламан. Агар ишга бир кун келмай қолсам нимадир етишмаётгандек, нималарнидир йўқотгандек сезаман.

Дарвоқе, Ж. Холмўминовнинг бирлашмага озмунча меҳнати сингмади. Бугунги кунда фақат бирлашмадагина эмас, бошқа корхона, ташкилот, колхозлар техникасини оёққа турғазишда маҳорат кўрсатаётган шогирдларини айтмайсизми? Устанинг 30 нафар шогирди айни кунда ўзи билан бир сафда туриб меҳнат қиляпти.

— Норбой Уринов, Абдулла Солиқовлар ҳозир ёнимда ишлашяпти, — дейди Жаббор ака. — Улар янги келганларида аппаратнинг вишиллашидан ҳам қўрқишарди. Энди эса ўз ишининг ҳақиқий усталари. Шогирдларимнинг ишларини кузатиб, тўлқинланиб кетаман.

Ж. Холмўминовнинг нобудгарчиликка, ҳўжасизликка, сансалорликка сира тоқати йўқ. Айниқса, коммунист сифатида ҳамкасбларини доимо виждонли ишлашга, ҳалол бўлишга ундайди.

— Бундан икки йил илгари Холмўминов бирлашма халқ контроли комитетининг раиси эди, — деб ҳикоя қилади партком секретари С. Бўриев. — Ерда бирорта болт ёки гайка тушиб ётганини кўриб қолгудек бўлса, гуноҳкорни дарҳол тартибга чақирарди. Мажлисларда эса бракчилар у кишининг аччиқ сўзларидан жон ҳовучлаб ўтиришарди. Унинг бу хислати шогирдларига ҳам ўтяпти. Шу боисдан ҳам 1981 йилнинг ўтган ўн бир ойи мобайнида кўплаб металл, электр энергияси, ёқилғи иқтисод қилишга муваффақ бўлдик. Қанчаданқанча эҳтиёт қисмлар тежалди.

Ота қалб қўрини бағишлаётган бирлашмага оила аъзоларининг меҳри тушиб қолган. Турмуш ўртоғи Тозагул ая шу ердаги боғчада ишчи фарзандларини тарбиялайди. Қизи Наташа — нормаловчи.

— Эркинни айтмайсизми? — жилмайиб сўзини давом эттирди Жаббор ака. — Ҳозир 10-синфда ўқийди. Ҳар йили каникулда ёнимда ишлайди. Ишга анча қўли келишиб қолди. Ўрта мактабни тугатсам, билим юртига кириб, сизнинг касбингизни ўрганаман, дейди бечора толкур.

Биз ажойиб уста Жаббор ака Холмўминов билан хайрлашар эканмиз, у кишидан шахсий режаларини сўрадик.

— Беш йилда икки беш йиллик планни бажармоқчиман, — дейди Жаббор ака.

Бинобарин, у кишининг лафзи ҳалол. Сўз бердими, албатта, уддасидан чиқади. Ўз таъбири билан айтганда «коммунист учун, ҳақиқий ишчи учун бундан ўзга йўл йўқ».

Ф. ТОШЕВ,
М. НОРБОБОЕВ,
Самарқанд области.

- ЧЎЛЛАР ЧИРОЙ ОЧМОҚДА
- 38 ЙИЛДАН СЎНГ ДИЙДОР КЎРИШДИЛАР
- ТАШАББУСКОР ПАЙВАНДЧИ
- БУХОРОНИНГ НОЕБ БУҒУСИ
- ЖАМОАТЧИ МУХБИРЛАРИМИЗ ЁРДАМ БЕРИШДИ

Тошкент области. Бўстонлиқ районидаги Жданов номли колхозда чорва қишлови пухта тайёргарлик билан бошланди. Хўжалик меҳнаткашлари мавсумга етарли емхашак ҳозирлаб қўйишган эди. Бу ишда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор Тумен Дуйсеқулов бошлиқ отар меҳнаткашлари намуна кўрсатишди. Суратда: Т. Дуйсеқулов яйловда.

В. Портнов фотоси.

Табиат ва инсон

АМУ СОҲИЛИДАГИ НОЁБ ХАЗИНА

Табиат билан ҳазиллашиб бўлмайди; у ҳамиша ҳаққоний, ҳамиша қаттиққўл, ҳамиша жиддий, у доим ҳақ, хато ва янглишларга эса одамларнинг ўзлари сабабчидир.

ГЁТЕ.

Бу ерларнинг табиати жуда гўзал, бокира. Бир томонда ям-яшил ўт-ўланлар билан қопланган ўркач-ўркач қум барханлари, бир томонда қирқкокил Аму, қирғоқ ёқалаган қалин тўқайзорлар, бир чети эса уфққа туташиб кетган. Мажнунтоллар соҳилда соч ювган қизлардай тароватли. Майин, ҳузурбахш шабада эсади. Қумга бота-бота йўл босамиз. Ҳамроҳимиз Ўзбекистон ССР Ўрмон хўжалиги министрлигига қарашли Қизилқум давлат қўриқхонаси директори Турдиали Қодиров мароқ билан ҳикоя қилади:

— Мана, қаранглар, бу из Бухоронинг ноёб буғуси, яъни хонгулнинг излари, ҳозиргина шу ердан ўтиб, лекин ҳали қувонишга эрта, у жуда сезгир, тезда жамол кўрсата қолмайди. Сабр билан кутиш керак.

— Қош қорайишини кутамиз, — деди ҳамроҳимиз, — чунки хонгул кундузи дам олиб, кечаси салқинда ўтлайди.

Фурсатни бекор кетказмаслик учун қўриқхона тарихи билан танишдик. Қизилқум давлат қўриқхонаси 1971 йилда ташкил этилган. Территорияси Амударё соҳили бўйлаб жануби-шарқдан шимоли-ғарбга томон 25 километр масофага чўзилиб кетган. Умумий ер майдони 4000 гектарни, сувдаги территорияси эса 271 гектарни ташкил этади. Бу ерда 150 хил ўсимлик ўсади, 224 хил парранда, 3 хил туёқли жонивор, 37 хил сут эмизувчи ҳайвон яшайди. Қўриқхона ташкил этилганда дейрли йўқолиб кетаётган, шу боисдан халқаро «Қизил китоб»га киритилган Бухоро буғуси бор-йўғи етттагина эди. Қўриқхона мутахассислари олимлар билан ҳамкорликда бу жуда ноёб жонивورнинг ўзига хос хусусиятларини пухта ўргандилар, уни кўпайтириш чораларини кўрдилар. Ҳозир қўриқхонада 75 та буғу бор. Ватанимизнинг барча қўриқхоналарида эса унинг сони 630 га етади.

Аму соҳилларида «Қизил китоб»га киритилган жайрон ҳам «меҳмон» бўлиб туради, бироқ фақатгина ҳаво қизиб чўл ўтлари қуриб қолгандагина чанқовини босиш учун бу ерга келади, бошқа вақтларда эса у кенг қумликларни афзал кўради.

Қўриқхонанинг сувдаги территориясида эса чўртанбалиқлар, лаққа балиқлар бор.

Табиатнинг бу бокира гўшасини жамики жонзотлари билан бирга ўз ҳолича сақлашда қўриқхона ходимларидан зоолог Муродбой Егизалиев, ботаник Ўразали Ўтешов, ўрмончи Дўстмурод Дорбаевларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Улар қўриқхона табиати, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини кун сайин кузатиб, рўйхатга олиб борадилар. Нодир ҳайвон ва ўсимликларни кўпайтириш чораларини кўрадилар. Қўриқхонада жуда ажойиб табиат музейи ташкил этилган.

... Ниҳоят қуёш Амунинг тўлқинларини алвон рангга бўяб, тўқайзорлар ортига яширинди. Бир зум ажойиб манзара олдида лол бўлиб қолдик, дарёдан сув эмас нур оқарди гўё.

Энди тўқайда жўшқин ҳаёт бошланди. Қирғовуллар хониши бошланди, шоқол ва бўрилар «тил»га кирди. Худди ана шу аснода — ёруғлик ўрнини қоронғилик эгаллай бошлаган бир пайтда, биз орзиқиб кутган Бухоронинг ноёб буғусини кўришга муяссар бўлдик. У биздан бехабар бамайлихотир «курт-курт» ўт чайнаб келарди. Тарвақайлаган шохлари, кулранг сагриси шундоқ кўриниб турарди. Беҳосдан бизни кўриб қолди-ю, буғу чаққон ҳаракат билан ўзини тўқай баҳрига ўриб, қоронғилик қаърига ғойиб бўлди.

Биз ҳам машинада барханлар билан олиша-олиша чироқлар нурига ғарқ бўлган посёлкага қайтдик. Ҳамон олисда Аму шовуллар, тўқайзорда эса сирли «шивир»лар эшитилади.

Жўра ФОЗИЛОВ.
Бухоро области.

ЭЛ ОЛҚИШИГА САЗОВОР БЎЛАЁТГАНЛАР

ОЧИҚ ЧЕҲРА БИЛАН

Юмуш билан Задарё районига борғандик. Қайтишда йўловчи автобусга чиқдик. Автобусда Наманган томонга келаётган йўловчилар суҳбатидан маълум бўлдики, улар саёҳатчилар экан.

— Тунда кўчада қолмасак бўлгани, Валихон ака, — деди бир киши ёнида ўтирган ҳамроҳига.

— Э, буни Наманган деб қўйибдилар. Наманганга борган бирор киши кўчада қолибди, деган гапни эшитганмисиз? — жавоб берди суҳбатдоши.

— Бир айтдим-да, бу томонга биринчи келишим.

— Шунақами? Унда Ғанижоннинг чойхонасида ҳам бўлмагандирсиз? Ҳа, кўриниб турибди, у ерда бўлмаганингиз, — дея суҳбатдошига гал бермай гапириб кетди Валихон ака. — Қачон борманг бу Ғанижон деганлари очиқ чеҳра билан, қўли кўксида кутиб олади меҳмонни. Шунинг учун бўлса керак, унинг чойхонасидан меҳмон аримайди. Олдинги гал келганимда Ғанижон билан ҳузур қилиб суҳбатлашганман. Чойхонада иш бошлаганига энди беш йил бўлибди-ю, бутун умри меҳмон кутиш билан ўтганга ўхшаб иш тутади. Тўққиз фарзанднинг отаси экан. Олдин 18 йил шофёрлик қилибди. Саломатлигининг мазаси бўлмай чойхонага ишга ўтибди.

Валихон аканинг гапларини эшитиб, бу мақтовлар Пушкин номли маданият ва истироҳат боғига жойлашган «Наманган» ресторани филиали чойхонасининг мудири Ғанижон ака Раҳмонов ҳақида бораётганини сездим. Ҳақиқатан ҳам мазкур чойхона ҳамиша дам олувчилар билан гавжум. Йилнинг қайси фаслида ёки кунининг қайси маҳалида бўлмасин бу ердан одам аримайди. Ғанижон ака меҳмонлар учун ҳамиша қалби очиқ мезбон.

Чойхонанинг шикоят ва таклифлар дафтарини варақлаймиз. «Биз Самарқанд область Жомбой районидаги «Украина» совхози ишчилари Наманганга саёҳатга келиб, шу чойхонага тушдик. Чойхонанинг санитария ҳолати, чойхона мудирининг хушмуомалалиги, атрофнинг озодалиги бизнинг баҳри-дилимизни очиб юборди. Ҳар томонлама тўкис чойхонани ташкил этган наманганликларга ташаккур билдирамиз. Раббим Узоқов, Нодир Номозов, Остон Абраев».

Келгуси саҳифадан Ленинобод область Хўжанд райони «Коммунизм» колхозидан келган 33 киши номидан Тожикистон ССР Олий Совети депутати Ф. Турабоеванинг миннатдорчилик хати ўрин олган.

Дафтарни варақлашда давом этамиз. Қозон шаҳридан келган меҳмонлар Г. Сафиулина ва Л. Бахтиозина, Жамбул областидан П. Адҳамова, Ўш область Аравон районлик бир группа пенсионерлар... эҳ-ҳе, жуда кўп кишилар ўз дил сўзларини ёзишибди. Фақат ташаккур ва раҳматномалар!

Халқимизда «Элга хизмат — олий ҳиммат» деган нақл бор. Меҳмонлар учун ҳамиша очиқ чеҳрада турган чойхона мудири ана шундай олиҳиммат кишилардандир. Ғ. Раҳмонов коммунист деган улуғ номга яраша ишлаб, элдан олқиш олмоқда. У чойхонага ташриф буюрган кишиларга қўли кўксида туриб шундай дейди:

— Марҳамат, азиз меҳмон! Келиб туринг, чойхонамиз сизга мунтазир. Бир пиёла чой ичиб кетинг!

О. ҚОСИМОВ,

Ўзбекистон ССР китобсеварлар кўнгилли жамияти Наманган область ташкилотининг масъул секретари.

Газетхон танқиди

ҚАРОВСИЗ КЎПРИК

«Ёзёвон» совхози территориясидан ўтадиган Чуқурсой устига қурилган ўн икки метрли катта кўприк қаровсиз қолгани оқибатида яроксиз ҳолга келди. Қимирлаб турган ёғочлар устидан машинада ўтиб кетиш бир ёқда турсин, пиёда юриш ҳам жуда хавфли бўлиб қолди. Қишлоқ аҳли уни тузаттириб бериш ҳақида «Ёзёвон» совхози директори М. Тешабоевга ҳамда Ёзёвон район ижроия комитети раиси А. Хайрутдиновга бир неча бор мурожаат этди. Афсуски, аҳоли учун жуда зарур бўлган кўприкнинг ремонт қилинишидан дарак йўқ.

М. ҚОДИРОВ.
ўқитувчи, Фарғона области.

УЙЛАРИМИЗ ҚАЧОН ИСИТИЛАДИ?

Мен сизларга ушбу хатни Оқолтин районининг Ленин кўчасидан ёзяпман. Бундан мақсад шуки, кўчамиздаги 9-корпус ва яна бир-икки корпусда қиш кунларида батареялар ишламайди, уйлар жуда совуқ. Бу ҳақда район газетасида бир неча бор ёзишди. Лекин бари бир аҳвол ўзгармади.

Ҳурматли редакция, Оқолтин район ижроия комитетидаги ҳурматли ўртоқлар уйимизни иситиш ҳақида қачон ўйлаб кўришар экан?

У. УРОЗАЛИЕВА,
Сирдарё области.

АҲИЛЛИК ТИКЛАНДИ

БИР ХАТ ИЗИДАН

Редакцияга Тошкент шаҳар, Акмал Икромов районидаги «Иқтисод» маҳалласида яшовчи бир группа газетхонлардан мактуб келди. Хатда Дадил кўчасининг 5-проездидаги 17-уйда истиқомат қилувчи 73 яшар онага ўғли ва келини қарамай қўйишгани, хўрлашаётгани баён қилинган эди.

Жумладан, мактубда бундай дейилади:

«Она ўн олти фарзанд кўрган. Шундан ҳозир бир ўғли ва икки қизи бор. Умр йўлдоши бундан етти йил муқаддам вафот этган. Таъзиясига кетадиган ҳамма ҳаражатларни кампирнинг ўзи қилган, ўғли сира ҳам қарашган эмас. Онани кичик қизи ишлаб боқиб юрарди. Қиз 1977 йилда турмушга чиққач, қароқчисиз қолди. Якка-ягона ўғил эса онаизорга қараш ўрнига турли баҳоналар билан хўрлади. Ҳатто, қиш кунларида печкасини бузиб олиб кетиб, совуқда қолдирди, водопроводдан сув ҳам бердирмади.

Ҳурматли редакция, муштипар онага ёрдам беришларингизни илтимос қиламиз».

Мактуб бизларни йўлга чорлади. «Иқтисод» маҳалласига бордик. Хатда келтирилган фактлар тўла тасдиқланди.

— Муҳбир экансизлар, болаларимни газетага ёзиб, беобрў қилманглар, — ёлбора бошлади онаизор. — Майли, мен қийналсам қийнала қолай!

Кампир кўзларига ёш олди. Биз билан шу хонадонга келган маҳалла активлари уни юпатишди. Кейин: «Онангиздан узр сўранглар», — дейишди ўғил билан келинга. Улар узр сўрашди. Кампир уларнинг тавбасини бажонидил қабул қилди.

Шундай қилиб, бу онлада аҳиллик тикланди. Онаизорнинг илтимосига кўра уларнинг номларини ҳурматли газетхонларимизга ошкор қилмай кўя қолдик.

А. НАБИҲЎЖАЕВ,
Ҳ. ЙЎЛДОШЕВ.

«Совет Ўзбекистони» газетаси редакцияси қошидаги жамоатчилик асосида ишловчи қабулхона ходимлари.

Йиллар ва одамлар

ДИЙДОР КЎРИШИШДИ

Улуғ Ватан урушида қатнашган қуролдош дўстлар Муҳаммади Бойматов билан Саидкамол Овиловлар яқинда дийдор кўришдилар.

1942 йилнинг баҳори эди. Урушнинг ана шу оғир йилларида асакалик Саидкамол ва сурхондарёлик Муҳаммадилар ҳаёт-мамот жангига отланишди. Улар 4-армиянинг 201-полкида бирга хизмат қилдилар. 1942 йилнинг 25 августида Полтава учун шиддатли жанглар борарди. Муҳаммади Бойматов оғир яраланди. Буни кўрган Саидкамол ўқ ёмғири остида эмаклаб, уни бир амаллаб жанг майдонидан олиб чиқди. Ҳароҳатланган ерини боғлаб, госпиталга жўнатди. Шундан кейин у Муҳаммади Бойматовни қайта кўрмади.

Саидкамол оёғидан ва белидан қаттиқ яраланиб, госпиталда ётиб даволангач, яна жангга кирди. Руминия тупроғида учинчи бор яраланиб, иккинчи группа инвалиди бўлиб Асакага қайтди.

Муҳаммади Бойматов уруш тугагач ўзининг халоскори Саидкамол Овиловни излай бошлади. Унинг адресини билмаганидан афсусланди. Сурхондарё область Сариосиё районидаги «Ленинизм» колхозининг Хоним қишлоғи алоқа бўлимидан қуролдош дўстини сўраб республикамизнинг турли шаҳар ва районларига хат юборди.

Кунларнинг бирида Ленин районидаги «Ленин йўли» газета редакциясига Муҳаммади Бойматовдан хат келди. Бу хат газетанинг шу йил 8 май сонида «Қуролдош дўстимни излайман» сарлавҳаси остида босилиб чиқди. Хатда Саидкамол Овилов билан бирга хизмат қилгани, оғир жангларнинг бирида ярадор бўлиб унинг ёрдами билан ҳаёти сақланиб қолингани ёзилган эди.

Қоратепа касалхонасида фельдшер бўлиб ишлаётган Саидкамол ака мақолани ўқиб дўстини топганидан хурсанд бўлиб кетди. Дарҳол хат ёзди. Қуролдош дўстлар хат орқали бир-бири билан қайта кўришгандай бўлдилар.

Яқинда Муҳаммади Бойматов катта ўғли Бурҳонжон билан бирга дўсти Саидкамол Овиловни кўргани Асакага келди. Уттиз саккиз йилдан сўнгги ҳаяжонли бу учрашув «Социализм» колхозида тантанага айланиб кетди. Дўстлар уруш йилларини яна бир бор эсга олдилар. Партия ва ҳукуматимизнинг, шахсан Леонид Ильич Брежневнинг тинчликка қўшаётган беқиёс ҳиссаесини тўлқинланиб гапирдилар.

К. ФОЗИЛОВ,
М. ҲАКИМОВ,
Андижон области.

Суратда: чапдан андижонлик Саидкамол Овилов сурхондарёлик Муҳаммади Бойматов билан учрашув пайти. Қуролдош дўстлар 38 йилдан сўнг дийдор кўришдилар.

И. Қодиров фотоси.

ГАЗЕТХОН ИЛҲОМИ

НОН РАСМИ

(БОЛАЛАР УЧУН ЭРТАК)

Ўтган экан бир инсон,
Умр бўйи ютиб қон...
Бир кун ётиб қолибди,
Ҳолдан кетиб толибди.
Ҳеч ким хабар олмабди,
Танда дармон қолмабди...
Бор кучини у тўплаб,
Туриб, сувдан бир хўплаб,
Қўлига чўп олибди,
Ерга расм солибди.
Солган расми — нон расми,
Нон расми —дармон расми.
Нон расмига боқибди,
Кўздан ёши оқибди
Ва чўпни қилиб қалам,
Бағрини ўртаб алам
Чўпда ерни чизибди,
Қалб сўзини ёзибди:
«Нон бўлсайди шу расм,
Солардим роса разм.
Сўнгра тўйиб ер эдим,
Минг бор шукур дер эдим.
Оҳ!.. Қани-я, нон есам,
Бир тўйиб, сўнгра ўлсам!»
Шуни ёзиб, тўкиб ёш,
Нон расмига қўйиб бош,
Нола тортибон инсон
Берган экан шу он жон.
Ҳа, болалар, нон азиз,
Умрдек ширин, лазиз.
Нон сероб бу замонда,
Нон сероб биз томонда.
Нонинг қадрини билинг,
Эл-юрт айтганин қилинг.

Абдумутал ТУРСУНОВ,
Янгиқўрғон районидаги 14-мактаб ўқитувчиси.

ҚИШЛОҚЛАРИМИЗ ЖАМОЛИ

МЕҲНАТДАН КЕЛСА БОЙЛИК

Одамлар чўл кўксида олтин камардек товланиб турган бу катта йўлдан кўп маротаба ўтишган. Улар автобус дарчаларидан атрофга назар ташлаб боришганларида чўл гиёҳлари ва ер юзини қоплаб ётган оппоқ туздан бошқа ҳеч нарсани кўришмасди.

Бундан уч йил муқаддам шўрҳок ерларда Абдалин номли совхоз ташкил этилгач, дастлаб чўл кўксида вагон-уйлар пайдо бўлди. Қалб амри билан чўлқуварликка отланган азаматлар барча имкониятларини ишга солиб, экинзорлар бунёд этишга киришдилар. Орадан кўп ўтмай бу ерга баҳодир қурувчилар ҳам етиб келиб, иш бошлаб юборишди.

Шу кунларда катта йўлдан ўтган кишилар совхоз посёлкасига ҳавас билан қарашади. Бир тарафига симёғочлар ўрнатилган адл йўл Шодлик посёлкаси томон давом этиб кетган. Биз янги қишлоғимизни шундай деб атаганмиз.

Шодлик посёлкасида яқинқишлоқларда бунёд этилган коттеджлар кўзни қувонтиради. Совхозимиз ва посёлка Советининг маъмурий бинолари, почта ҳамда хўжалигимиз марказий ремонт устахонаси шу ерга жойлашган.

Шодлик посёлкаси тобора чирой очиб, кенгайиб бормоқда. Ишончимиз комилки, «Голодностепстрой»нинг 16-механизациялашган кўчма колоннаси қурувчилари қурилиш ишларини янада жадаллаштириб, янги-янги биноларни қуришда, 3 хил туёқли жонивор, 37 хил сут эмизувчи ҳайвон яшайди. Қўриқхона ташкил этилганда дейрли йўқолиб кетаётган, шу боисдан халқаро «Қизил китоб»га киритилган Бухоро буғуси бор-йўғи етттагина эди. Қўриқхона мутахассислари олимлар билан ҳамкорликда бу жуда ноёб жонивورнинг ўзига хос хусусиятларини пухта ўргандилар, уни кўпайтириш чораларини кўрдилар. Ҳозир қўриқхонада 75 та буғу бор. Ватанимизнинг барча қўриқхоналарида эса унинг сони 630 га етади.

Аму соҳилларида «Қизил китоб»га киритилган жайрон ҳам «меҳмон» бўлиб туради, бироқ фақатгина ҳаво қизиб чўл ўтлари қуриб қолгандагина чанқовини босиш учун бу ерга келади, бошқа вақтларда эса у кенг қумликларни афзал кўради.

Қўриқхонанинг сувдаги территориясида эса чўртанбалиқлар, лаққа балиқлар бор.

Табиатнинг бу бокира гўшасини жамики жонзотлари билан бирга ўз ҳолича сақлашда қўриқхона ходимларидан зоолог Муродбой Егизалиев, ботаник Ўразали Ўтешов, ўрмончи Дўстмурод Дорбаевларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Улар қўриқхона табиати, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини кун сайин кузатиб, рўйхатга олиб борадилар. Нодир ҳайвон ва ўсимликларни кўпайтириш чораларини кўрадилар. Қўриқхонада жуда ажойиб табиат музейи ташкил этилган.

... Ниҳоят қуёш Амунинг тўлқинларини алвон рангга бўяб, тўқайзорлар ортига яширинди. Бир зум ажойиб манзара олдида лол бўлиб қолдик, дарёдан сув эмас нур оқарди гўё.

Энди тўқайда жўшқин ҳаёт бошланди. Қирғовуллар хониши бошланди, шоқол ва бўрилар «тил»га кирди. Худди ана шу аснода — ёруғлик ўрнини қоронғилик эгаллай бошлаган бир пайтда, биз орзиқиб кутган Бухоронинг ноёб буғусини кўришга муяссар бўлдик. У биздан бехабар бамайлихотир «курт-курт» ўт чайнаб келарди. Тарвақайлаган шохлари, кулранг сагриси шундоқ кўриниб турарди. Беҳосдан бизни кўриб қолди-ю, буғу чаққон ҳаракат билан ўзини тўқай баҳрига ўриб, қоронғилик қаърига ғойиб бўлди.

Биз ҳам машинада барханлар билан олиша-олиша чироқлар нурига ғарқ бўлган посёлкага қайтдик. Ҳамон олисда Аму шовуллар, тўқайзорда эса сирли «шивир»лар эшитилади.

Жўра ФОЗИЛОВ.
Бухоро области.

Сўраган эдингиз

ШОЛҒОМ—ШИФОБАХШ НЕЪМАТ

Шолғомнинг шифобахш хусусиятлари ҳақида Ибн Сино шундай деган эди: «Агар бир дона шолғомнинг ичини ўйиб, унга мум билан гул ёғини аралаштириб қўрга кўмиб пиширилса, у тулки касаллигига жуда фойдали бўлади. Совуқдан пайдо бўлган ва ярага айланган ёриқларни йўқотади. Ёғли гўшт билан пиширилган шолғом нафас олиш йўлларига ижобий таъсир қилади». Бундан ташқари буюк ҳаким шолғом кишига куч ва мадор бағишлаш хусусиятига эга эканлиги ҳақида ҳам маълумот беради.

Шолғом халқ тиббиётида ўпка, нафас олиш йўллари касалликларида, ҳарорат кўтарилган пайтларда, юрак бетоқатлигида, айниқса, шифобахш ҳисобланади. Ҳақиқатан ҳам унда оғриқ қолдирувчи, зарарли микробларни йўқотувчи хусусиятлар мавжуд. Қайнатиб ичилса, кўксов хасталигига даво бўлади. Бундай муолажа сурункали йўтал, ўткир ларингитдай шамоллаш билан боғлиқ бўлган овоз йўқотишда, юрак ҳапқиришида ва уйқусизликда қўлланилади. Уй шароитида эса ундан қуйидагича доривор тайёрлаш мумкин: икки ош қошиқдаги майдаланган шолғом устига бир стакан қайноқ сув солиб, ўн беш минут қайнатилади. Юқоридаги хасталикларни бартараф этиш учун ухлаш олдидан чорак стакандан ичиб турилади. Томоқ оғриғи ҳамда тишнинг лўқиллаб оғришида бундай қайнатма билан оғизни ғарғара қилиш таъсия этилади. Подагра хасталигида эса қайнатиб пиширилган шолғомни зararланган жойга боғлаб қўйиш лозим.

Шолғомда инсон саломатлиги учун зарур бўлган витамин B_1, B_2, B_6, С, РР, каротин, пантотен кислотаси шунингдек, минерал элементлардан калий, кальций, темир, фосфор бор.

Шолғомли қайнатмалар шамоллаш билан боғлиқ бўлган касалликларни асоратсиз тузатишга ёрдам беради. Эслатма тариқасида шуни айтиш керакки, шолғомни суиистеъмол қилиш киши организми учун нохуш бўлган аломатларни ҳам келтириб чиқариши мумкин.

В. ШАЛЬНЕВ,
профессор.
М. НАБИЕВ,
доришунос.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«МАСЪУЛИЯТСИЗЛИКНИНГ ЎЗГИНАСИ»

Газетамизнинг шу йил 14 октябрь сонида босилган юқоридаги сарлавҳали рейд материалида Тошкент тўқимачилик комбинатни реконструкциясидаги нуқсонлар очиб ташланган эди. Редакция ушбу танқидий мақола юзасидан Ўзбекистон ССР қурилиш министрининг ўринбосари Ғ. Ғиёсов имзоси билан жавоб хатини олди.

— Дарҳақиқат, — дейилади унда, — Тошкент тўқимачилик комбинати қурилишларида ишлар белгиланган пландан орқада бормоқда. Бунга бир томондан, республика Қурилиш министрлиги бўйича асосий биноқорлик материаллари, жумладан, цемент, металл ва ҳоҳазоларга бўлган мавжуд фондларни реализация қилишдаги қийинчиликлар, шунинг оқибатида тайёрловчи заводлар томонидан ғиғма темирбетон буюмларини етказиб беришдаги узилишлар сабабдир. Конструкциялар ва материаллар биринчи навбатда ишга туширилиадиган объектларга юборилганлиги сабабли фойдаланишга топшириладиган объектларни комплектлаш топшириғини бажаришда қолоқликка йўл қўйилди.

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги ҳозирги пайтда Тошкент тўқимачилик комбинатини шу йил ҳажми планидан тўртинчи кварталда ғиғма темир-бетон ва металл конструкциялари билан бутлаш масаласини ҳал қилди. Планда кўзда тутилган биноқорлик материаллари етказиб беришни тезлаштириш, шунингдек, имкони борича мавжуд объектни бетон билан тўла-тўкис таъминлаш чора-тадбирлари кўриляпти.

Шу билан бирга реконструкциялашда йўл қўйилган қолоқлик 1981 йилга ажратилган маблағларни ўзлаштириш бажарилмаётганлиги, буюртмачи томонидан унга даҳлдор масалаларнинг ўз вақтида адо этилмаганлиги ҳам сабабчидир. Чунончи шу пайтгача ишлаб турган цехда бойлер участкаси қурилиши учун майдончани, токарлик ва слесарлик устахоналарини реконструкциялаш учун очиш масаласи ҳал этилмади. Буларнинг ҳаммаси бўяш-ип цехини реконструкциялаш ишларини охирига етказишга ҳалақит беряпти.

Газетамизнинг шу йил 14 октябрь сонида босилган юқоридаги сарлавҳали рейд материалида Тошкент тўқимачилик комбинатини шу йил ҳажми планидан тўртинчи кварталда ғиғма темир-бетон ва металл конструкциялари билан бутлаш масаласини ҳал қилди. Планда кўзда тутилган биноқорлик материаллари етказиб беришни тезлаштириш, шунингдек, имкони борича мавжуд объектни бетон билан тўла-тўкис таъминлаш чора-тадбирлари кўриляпти.

Шу билан бирга реконструкциялашда йўл қўйилган қолоқлик 1981 йилга ажратилган маблағларни ўзлаштириш бажарилмаётганлиги, буюртмачи томонидан унга даҳлдор масалаларнинг ўз вақтида адо этилмаганлиги ҳам сабабчидир. Чунончи шу пайтгача ишлаб турган цехда бойлер участкаси қурилиши учун майдончани, токарлик ва слесарлик устахоналарини реконструкциялаш учун очиш масаласи ҳал этилмади. Буларнинг ҳаммаси бўяш-ип цехини реконструкциялаш ишларини охирига етказишга ҳалақит беряпти.

«ГАНГА» ЎЗБЕКИСТОНДА

Ҳар бир халқнинг кўз нури, қалб кўри билан бунёдга келадиган бойликлари ҳамма замонлар ва ҳамма халқлар учун муқаддас ва қизиқарли бўлиб қолаверади.

Пойтахтнинг «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» проспектида очилган Ҳиндистоннинг «Ганга» фирма-магазини залларидаги кўргазмаларига, савдо пештахталарига қўйилган ранг-баранг буюмларни томоша қилаётиб, юқоридаги фикрнинг тўғрилигига яна бир бор ишонч ҳосил қиласан, киши.

Фирма-магазинда газлама, латон, оқ металл, сандал ёғочидан ясалган жиҳозлар, нодир тошлардан ишланган Ҳиндистон бадиий-ҳунармандчилик буюмлари билан савдо қилинмоқда. Мухташам савдо залларни музейни эслатади. Оддий мунчоқ, ип зар ва ранг-баранг ялтироқ матолардан қўлда маҳорат билан ишланган зебизийнатлар солинадиган қутичалар, сумкачалар ва ғилофларнинг ложувард товланиши кўзни қамаштиради.

— Мана бу сотиладими? — дейди харидор аёл ранг-баранг мунчоқлар қадалган қутичани ҳавас билан сотувчига кўрсатиб.

— Сотилади, кўргазмага қўйилган ҳамма нарсалар сотилади, — хушмуомалалик билан жавоб берди қиз.

Ким ўзига, ким азиз фарзандларига, ким совғага деб ҳинд ҳунармандлари ишлаган буюмлардан харид қилишмоқда...

Оқ металл, мис ва ёғочдан ишланган кўзачалар, хилма-хил гулдонлар, қанд-қурс, ичимликлар солинадиган ва сақланадиган идишлар сотилаётган бўлим янада гавжум. Гўё ҳинд ҳунармандлари ўз ватани, халқи, жонажон табиатига бўлган ошифталик, қўйингчи, барча эзгу туйғуларини ана шу буюмлар ҳусни-жамолига сингдириб юборгандай. Шундай экан, табиийки, бу буюмлар талантли ҳинд халқининг табиати, турмуши, одатлари, анъаналарининг элчиси ҳамдир.

Устки кийимлар сотиладиган бўлимда миллий ҳошиялар, нақшлар солиб замонавий модада тикилган кўйлак ва костюмларни хотин-қизлар, айниқса, ёшлар катта қизиқиш ва қониқиш билан харид қилишяпти.

— «Ганга» фирма-магазини очилган кундан йил охиригача икки миллион сўмлик маҳсулот реализация қилиш кўзда тутилган, — дейди фирма-магазин директори А. Абдураҳимов, — харидорларнинг эҳтиёжларини тўлароқ қондириш мақсадида магазин Ҳиндистоннинг Ластанго, Раж Капур, Диёр каби олтита фирмаси билан бевосита алоқа боғлаган. Пойтахтдаги «Ганга» фирма-магазини Ҳиндистоннинг Совет Иттифоқидаги иккинчи шундай магазини ҳисобланиб, унинг ҳажми Москвадагидан анча катта — 600 квадрат метрни ташкил этади. Магазин ҳисобидаги 82 савдо ходимининг 50 таси сотувчи бўлиб уларнинг аксарияти «Шуҳрат» мактаб-магазинини янги битирган мутахассис ёшлардан иборатдир.

Магазиндан одам аримайди. Дўст Ҳиндистон халқининг куй, қўшиқ ва рақсларининг мафтуни бўлган Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳинд ҳунармандлари санъатига ҳам зўр қизиқиш билан харид қилишмоқда.

Суратда: Тошкентда очилган «Ганга» магазинининг ташқи ва ички кўринишлари.

ТИЛШУНОСЛАР АНЖУМАНИ

Куни кеча Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги тил ва адабиёт институтида «КПСС XXVI съезди ва ўзбек тилшунослигининг актуал проблемалари» мавзуида илмий конференция бўлди. Тил ва адабиёт институти билан В. И. Ленин номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент давлат университети томонидан уюштирилган бу конференцияда шу институт ва университет олимларидан ташқари Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти, республика областлари педагогика институтларининг профессор ва ўқитувчилари ҳам иштирок этишди.

Анжуманда ҳозирги ўзбек адабий тили ва уни тадқиқ этишнинг актуал проблемалари муҳокама қилинди. Ҳозирги ўзбек адабий тили тез суръатлар билан ривожланаётгани, унинг ижтимоий функциялари тобора кенгайиб бораётгани, рус тилининг ўзбек тилига таъсирини илмий тадқиқ этишнинг актуал вазифалари таъкидланди.

Бундан ташқари конференцияда ўзбек тилининг фразеологик бойлиги, луғат бойлигини ўрганиш, фонетика ва фонология, ўзбек тили синтактик қурилиши масалаларига алоҳида эътибор берилди. Докладларда ўзбек тилининг кўп асрлик тарихини илмий текшириш соҳасида тилшунослар олдида турган вазифалар, республика олий ўқув юртларида ўзбек тили тарихини ўқитиш бўйича дарслик, қўлланма ва программалар нашр этишнинг аҳволи таҳлил қилинди. Ўзбек тилида баъзи қўшимчаларнинг пайдо бўлиши, сўз таркибини ўрганиш масалалари хусусида ҳам докладлар тингланди.

Конференция қатнашчилари қабул қилган тавсияларда ўзбек тилшунослиги проблемаларининг ҳал этилиши КПСС XXVI съезди ижтимоий ва гуманитар фанлар мутахассислари олдига қўйган улуғвор вазифалар руҳида олиб борилиши алоҳида таъкидланди.

Р. ҚУЧҚОРТОЕВА,
ТошДУ умумий тилшунослик кафедрасининг катта ўқитувчиси, филология фанлари кандидати.

ЕЗУВЧИНИНГ ФАХРЛИ БУРЧИ

«Давлатларнинг чегаралари бор, аммо планетамизда тинчликни сақлаб қолишга интилаётган кишиларнинг дўстлиги чегара билмайди. Мен Совет Иттифоқининг янги тинчлик ташаббусларини чин қалбимдан табриклаётганлигим боиси ҳам мана шундадир», —деди таниқли итальян ёзувчиси Луижи Малерба ўзбекистонлик ҳамкасблари билан учрашувда. Малерба ўз мамлакати ёзувчиларининг Ўзбекистон ҳаёти билан бир неча кун мобайнида танишган делегациясига бошчилик қилди.

— Республикангизда кўрган нарсаларнинг ҳаммаси — кўҳна Самарқанд ҳам, дўстлик самаралари бўлган янги кварталлари билан Тошкент ҳам ғоят зўр таассурот қолдирди, деб ўқитди у. Аммо бунда асосийси — кишилардир. Ўзбекистонда мен учрашган ҳар бир киши — у хоҳ деҳқон, хоҳ ёзувчи, таъмирчи-рассом бўлишидан қатъи назар, дунёдаги барча халқлар билан дўстликда яшашга интилмоқда, — деди сўнгра Л. Малерба. — Яқинда Римда ўтказилган улуғвор тинчлик юриши итальян халқи урушни истамаётганлигини, бутун мавжудотга ҳалокат келтирувчи ядро қуролига қарши курашаётганлигини кўрсатди. Мен ўз асарлари билан тинчликни қаттиқ туриб ҳимоя қилишни, халқлар ўртасида ҳамжиҳатликка интилишни ёзувчининг энг биринчи бурчи деб ҳисоблайман. Биз ўзбекистонлик адиблар билан ўрнатган алоқалар ҳам мана шунга хизмат қилади.

(ЎзТАГ).

ЭЪЗОЗ

Тошкент шаҳрининг Ҳамза районидаги 18-поликлиника шифокорларидан шу ерда даволанувчилар, айниқса, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари жуда мамнун. Поликлиникадаги оқ халатли жонкуярлар ўзларининг инсонийлиги, хушмуомалалиги, ҳар бир бемор соғлиғи устида тинмай ғамхўрлик қилиши билан кўпчиликнинг меҳр-муҳаббатига сазовор бўлмоқдалар.

Уруш асорати йиллар ўтган сари тобора кўпроқ сезилмоқда. Биз, собиқ фронтчилар шифокорларга ботбот мурожаат этадиган бўлиб қолдик. Шуниси қувончлики, поликлиникамизда биз сингариларга алоҳида ҳурмат, алоҳида эътибор. Барака топгурлар соғлиғимизни алоҳида назорат қилиб боришади. Ихтисослашган тиббий ёрдам олишсин деб вақти-вақти билан шифохона ва санаторийларга йўлланма бериб туришади. Бу ларнинг бари партия ва ҳукуматимизнинг уруш инвалидлари ва пенсионерларга кўрсатаётган беқиёс ғамхўрлиги ифодасидир.

И. ИБРАГИМОВ,
пенсионер.

МИНГ РАҲМАТ

Хоразм область Қўшкўпир район касалхонасида даволаниб чиққанимга кўп бўлгани йўқ. Асли Беруний шаҳриданман. Хивага қадимги меъморлик обидалари, ота-боболаримиз қўли билан яратилган, етти иқлимга мўъжиза сифатида донғи кетган ёдгорликларни кўриб, зиёрат қилишга боргандим.

Тўсатдан оғриб қолдим. Район шифохонасига олиб боришди. Жарроҳлик бўлимида қўлинг дард кўрмагур шифокорлар фарзандларимдан ҳам яхшироқ ҳурмат кўрсатишди. Зудлик билан ёрдам қилишди. Бир кам саксонга кирган мендек мўйсафид ҳаётини сақлаб қолган И. Матқулиев, Р. Абдураҳмоновларга, бошқа шифокор ва ҳамшира қизларга мингдан-минг раҳмат.

А. ИБРОҲИМОВ.

СПОРТ

БАҲСЛАР, МАРРАЛАР, ҒОЛИБЛАР

✦ **ШАХМАТ.** Фрунзеда олий лига вакиллари ўртасида мамлакат чемпионати баҳслари давом этмоқда. Кучли шахматчилар сафида биринчи марта дона сураётган тошкентлик шахматчи Г. Аъзамовнинг ўйинлари мутахассисларда яхши таассурот қолдирмоқда. У москвалик А. Юсупов, львовлик А. Белявскийлар билан учрашувларни дуранг қилиб, А. Михальчишинга (Львов) имкониятни бой берди. Краснодарлик В. Цешковский билан ўйин эса тошкентлик шахматчининг қўли баланд ҳолда кечиктирилди. Шунингдек, шахматчимизнинг бешинчи ва олтинчи учрашувлари ҳам якунланмай қолди. Ҳозирча львовлик О. Романишин 3,5 очко билан олдинда бормоқда.

✦ **СПАРТАКИАДА.** Узбекистон ССР XIX Спартакиадаси финал ўйинларининг календари тасдиқланди. Мусобақалар тўрт босқичли бўлиб, шу йил декабрдан 1983 йил декабригача физкультура коллективларида ўтказиладиган оммавий баҳслар билан бошланади. Келаси йили район, шаҳар спартакиадалари ўтказилади. Шунингдек, 1982 йилга мўлжалланган ҚҚАССР, Тошкент области ва республика пойтахти спартакиадалари учинчи босқич ҳисобида ўтказилади. Мусобақалар республиканинг турли шаҳарларида ўтказилиб, Спартакиаданинг тантанали очилиши 9 майда ва ёпилиши 31 майда «Пахтакор» марказий стадионида бўлади.

Муддатидан илгари

Чуст районидаги «Коммунизм» совхозининг янги молхонасига сигирлар подаси келтирилди. Бу молхона муддатидан икки ой илгари қуриб битказилди. Бинога механизация воситалари ўрнатилган. Қурувчилар хўжаликнинг барча чорвачилик биноларини муддатидан илгари капитал ремонтдан чиқардилар. Қўйчилик фермалари қишга ремонтдан чиқарилди, озуқа цехлари тахт қилиб қўйилди. (ЎзТАГ).

Редактор ўринбосари
Б. ЮСУПОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.50 — Гимнастика. 10.00 — АБВГДейка. 10.40 — Ота-оналар, Сизлар учун. 11.10 —Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик. 11.25 — Камалак. 11.55 — Жасорат. 12.25 —Концерт. 12.35 — Қуёш хазинаси. 13.20 — Музикали Каунас. 13.35 — Сизни қизиқтирган китоблар. 14.20 — Спортлото. 14.30 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 15.30 — Дунё воқеалари. 15.45 — Бадиий фильм. 16.15— Ғолиблар. 17.45 — Сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов суҳбати. 18.15 — Мультфильм. 18.25 — Концерт. 18.50 — 9-студия. 19.50 — Огир дамларда. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05— Хоккей. Динамо (М) — СКА. 22.40 — Хатларингиз асосида. 23.25 — Ҳужжатли фильм. 23.55 — Янгиликлар.

МОСКВА-IV. 9.00 — Время. 9.55 — Ҳужжатли фильмлар. 10.40 — Тонгги почта. 11.10 — Ёшлар адреслари. 12.05 — Ҳужжатли фильм. 12.55 — Концерт. 13.25 — Объектив. 13.55 — 1981 йил қўшиқлари. 15.25 —Тунгги нур. Фильм-спектакль. 17.55 — Музикали киоск. 18.25 — Здоровье. 19.10 — Ҳужжатли фильм. 20.00 — Хоккей. «Динамо» (М) — СКА. Танаффусда — Хайрли тун, кичкинтойлар. 21.30 — Время. 22.05 —Бадиий фильм. 23.10 — Концерт.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Концерт. 10.50 — Инсон болаликдан бошланади. 11.20 — Студиямиз меҳмони. 12.05 — Спорт: сузиш, шахмат мактаби. 13.05 — Ғалати ғаров. Бадиий фильм. 14.20 — Буни ҳамма билиши ва уддалаши керак. 18.05 — Биргаликда шодон қадам ташлаймиз. 18.30 — Концерт. 19.00 — Илмий-оммабоп фильм. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Бастакорлар асарлари. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Дунё воқеалари. 22.35 — Оталар сўзи — ақлнинг кўзи.

18.00 — Душанба кўрсатувлари.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Халқ талантларининг концерти. 9.35 — А. Пўлат шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. 10.15 — Гулшан. 12.20 — Мактаб ва ҳаёт. 12.30 — СССР халқларининг куйлари. 13.00 — Механизация: маҳсулот ва таннарх. 13.30 — Хатларингизни ўқиб... 14.00 —Беш йиллик илғорлари ҳақида ҳикоялар. 17.00 — Ёшлик. 18.15 — Сиёсий билимлар радиоуниверситети. 18.30 — Радиотингловчиларнинг талабларига биноан концерт. 19.25 — Чет эл эстрадаси артистларининг концерти. 21.00 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.10 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.30 — С. Абдулла шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. 23.15 — Шанба оқшомида.

●

НАМАНГАН ШАҲРИДА

ХИМИКЛАР САРОЙИ БИНОСИДА

(Коммунистическая кўчаси)

10—11 декабрда

халқ истеъмолидаги ортиқча молларнинг улгуржи савдоси бўйича

РЕСПУБЛИКА ЯРМАРКАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

Ярмаркага давлат ва кооператив савдосининг улгуржи ва чакана савдо ташкилотлари ҳамда халқ истеъмолидаги ортиқча товарларга эга бўлган бошқа ташкилотларнинг вакиллари таклиф қилинадилар.

Узбекистон ССР Савдо министрлиги.

«Узбекбирлашув».

«Узторгпосредконтора».

●

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА 9 ДЕКАБРДАН БОШЛАБ ЯНГИ ПРОГРАММА

СОВЕТ ЦИРК УСТАЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ

Цирк санъатининг ҳамма жанрларидан турли хил программа намойиш қилинади.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинмоқда.

Касса соат 10 дан 20.00 гача ишлайди.

Олдиндан билет сотиш кассаси ишламоқда. Телефон 44-35-91.

Тошкент область Калинин районидаги Оржоникидзе номли колхоз правленеси, партия ва касаба союз ташкилотлари колхоз правленеси раиси С. Ғиёсова онаси

Адолат БОЛТАБОЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

„ЗАНГОРИ ЭКРАН“ ҲАФТАЛИГИ

7—13 ДЕКАБРЬ

7 ДЕКАБРЬ, ДУШАНБА

МОСКВА-I. Профилактика муносабати билан «Восток» программасининг 7 декабрь кунги соат 9 дан соат 18.00 гача бўлган кўрсатувларини 5-канал орқали томоша қилинг. 9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Ўсмирлар иноди. 10.35 — Еғаётган дарахт. Бадиий фильм. 11.00 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 12.00 — Концерт. 12.40 ва 15.00 —Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.20 — Сузиш бўйича СССР кубоги. 17.05 — Ҳужжатли фильм. 18.00 — Телестадион. 18.30 — Сиз яратган боғ. 19.00 — Мультфильмлар. 19.15 — Д. Шостакович. I-квартет. 19.30 —КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга! 20.00 — Ёшлар ҳақида қўшиқлар. 20.30 — Ҳамма нарсадан азиз. Киноэпопея. I-фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Хоккей. «Торпедо» — ЦСКА. Танаффусда — Дунё воқеалари.

МОСКВА-IV. 9.00 — Время. 9.45 ва 16.40 — Ҳужжатли фильм. 10.05 — Рус тили. 10.35 ва 11.35 — Тарих. 11.05 — М. П. Мусоргский иноди. 12.05 — АБВГДейка. 12.40 ва 13.40— Тарих. 13.10— Фан оламида. 14.10 — Социалистик халқ хўжалиги. 14.55 — Антуан Де Сент-Экзюпери. Ҳаёти ва иноди. 15.40 — Умумий биология. 16.10 — Тарих. 17.00 —Шифокор экрани. 19.30 — Н. Лесков. Сартарош. 20.15 — Концерт. 21.15 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 21.30 — Время. 22.05 — Ванюшининг болалари. Бадиий фильм. 23.35 — Концерт.

ТОШКЕНТ-I. 18.05 — Бирга бўлсак ҳаммамиз. 18.40 —Партия турмуши. 19.00 — Ватанпарвар. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Рамз Бобожон. Миллий бир турна. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Пианиночилар Бутииттифоқ конкурси якунлари. 21.30 — Время. 22.05 — Ғалабангиз билан дўстлар. 23.45 — Бугун оламда нима гап.

ТОШКЕНТ-II. 18.35 — Шифокор экрани. 19.05 — Олий математика. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Телефильм. 20.30 — Табрикларимизни қабул этинг. 21.30 — Москва-IV.

8 ДЕКАБРЬ, СЕШАНБА

МОСКВА-I 9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 —Ҳамма нарсадан азиз. Киноэпопея I-фильм. 11.05 — Саккизинчи соната. 11.35 — Ёшлар адреслари. 12.35 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.15 — А. Фадеев — ёзувчи, гражданин, коммунист. 17.05 — Буюк кашфиётлар изидан. 18.00 — Фильм-концерт. 18.30 — Қўл тўпи бўйича халқаро турнир. СССР — Венгрия. 19.00 — Қувноқ нотачалар. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Очиқчасига гап. 20.00— Концерт. 20.35— Ҳамма нарсадан азиз. Киноэпопея. 2-фильм. 21.30—Время. 22.05 — Фестиваллар... Конкурслар... Концертлар. 23.10 — Дунё воқеалари. 23.25 —Ҳужжатли фильм.

МОСКВА-IV. 9.00 — Время. 9.45 — Ҳужжатли фильм. 10.05. 13.10 ва 17.30 — Шахмат мактаби. 10.35 ва 11.45 — Табиатшунослик. 10.55 — Синтетик каучуклар. 11.25 — Ҳужжатли фильм. 12.05 ва 17.00 —Француз тили. 12.40 ва 13.40 —Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 14.10 — Бир актёр театри. 15.10 — Физика. 15.40 — Тарих. 16.10 — А. С. Пушкин. Мис чавандоз. 19.30 — Концерт. 19.50 — Синхрон сузиш бўйича СССР кубоги. 20.15 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 21.15 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 21.30 — Время. 22.05 — Қорақумларда. Бадиий фильм. 23.25 — Концерт.

ТОШКЕНТ-I. 18.05 — Болалар учун фильм. 18.20 — Жонажон ўлка. 18.50 — Қўшиқ баҳона. Телетеатр. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Бухоро ип-газлама комбинати. 20.15 — Пахтакорларнинг қишки юмушлари. 20.30 — Ахборот. 20.50 —Концерт. 21.30 — Время. 22.05— У. Мусаев. Ҳинд достони. ССР Иттифоқи Большой театрининг спектакли.

ТОШКЕНТ-II. 18.10 — Болалар учун фильм. 18.15 — Концерт. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Физика. 21.20 — Ҳамма учун полиз. Телефильм. 21.30 — Москва-IV.

9 ДЕКАБРЬ, ЧОРШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Ҳамма нарсадан азиз. Киноэпопея. 2-фильм. 11.00 — Увертюра фантазияси. 11.20— Киносаёҳатчилар клуби. 12.20 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 16.10 — Концерт. 16.35 — Ҳужжатли фильм. 16.45 — Уфқ. 17.45 — Рус тили. 18.15 — Горичлар, қаердасиз! 18.45 — Экономика тежамли бўлиши керак. 19.00 — Расмларда қуёш акси бор. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 —Қалбга яқин қўшиқлар. 20.30 — Ҳамма нарсадан азиз. Киноэпопея. 3-фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Рус аёллари. Поэма. 22.40 — Дунё воқеалари. 22.55 — Концерт.

МОСКВА-IV. 9.00 — Время. 9.45 — Илмий-оммабоп фильм. 10.05 ва 16.30 —Сиз яратган боғ. 10.35 ва 11.35 — Биз қандай нафас оламиз. 11.05 ва 16.00 — Эстетик тарбия. 12.05 ва 17.00 — Немис тили. 12.40 ва 13.40 — Умумий биология. 13.10 ва 17.30—Мактаб ва иноднёт. 14.10 — Лев Толстой куни. 15.10 — Сен қонунни биласанми? 19.30 — Халқаро панорама. 20.15 — Қўёш хазинаси. 21.00 — Музикали Каунас. 21.15 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 21.30 — Время. 22.05 — Бадиий фильм. 23.35 —Ҳужжатли фильм.

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Ботаника. 12.00 — Телефильм. 12.30 — Ботаника. 13.00 — Шахсий масалалар бўйича бир неча интервью. Бадиий фильм. 18.05 — Тенгдошларинг иноди. 18.35 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Концерт. 20.30 — Ахборот. 20.50 —Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Афсус-надомат. Бадиий фильм. 1-серия. 23.10 — Бугун оламда нима гап.

ТОШКЕНТ-II. 18.10 — Телефильм. 18.30 — Ўқитувчи экрани. 19.00 — Химия. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Француз тили. 20.50 — Телефильм. 21.00 — Пойтахт области чорвадорлари ҳузурида. 21.30 — Москва-IV.

10 ДЕКАБРЬ, ПАЙШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Ҳамма нарсадан азиз. Киноэпопея. 3-фильм. 11.05 —Горичлар, қаердасиз! 11.50 —Концерт. 12.30 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 15.50 — В. Гильяровский асарлари саҳифаларида. 16.45 — Концерт. 17.10 —Шахмат мактаби. 17.40 — Ҳужжатли фильм. 18.10 — Қўл тўпи бўйича халқаро турнир. СССР — Югославия. 18.40 — Миллионлар ленинча университети. 19.15 — Дунё воқеалари 19.30 — Фан оламида. 20.00— Концерт. 20.30 — Ҳамма нарсадан азиз. Киноэпопея. 4-фильм. 21.30— Время. 22.05 — Фигурали учиш бўйича халқаро мусобақалар. 22.45 — Дунё воқеалари. 23.00 — Концерт.

МОСКВА-IV. 9.00 — Время. 9.45 — Ҳужжатли фильм. 10.05 ва 14.55 — Ота-оналар, Сизлар учун. 10.35 ва 11.35 — Н. В. Гоголь. Ревизор. 11.05 — Жамиятшунослик. 12.05 ва 17.30— Испанча сўзлашинг. 12.35 ва 13.40 — Зоология. 13.00 —Н. А. Некрасов шеърлари. 14.05 — Любовь Яровая. 15.25 — Ўйланиш. Бадиий фильм. 17.05 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — Сиз бунга қодирсиз. 20.25 — Қишлоқ янгиликлари. 21.15 —Хайрли тун, кичкинтойлар. 21.30 — Время. 22.05 — Шаҳрим юлдузи. Бадиий фильм. 23.40 — Концерт.

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Болалар учун фильм. 12.30 —Фонарик. 13.00 — Замандас. 13.50 — Афсус-надомат. Бадиий фильм. 1-серия. 18.05 — Болалар учун фильм. 18.20 — Ёшлик. 18.50 — Фан уфқлари. 19.20 — Ҳаёт мактаби. Л. И. Брежневнинг «Эсдаликлар» китоби ҳақида. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Шеърият билан учрашув. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Турмуш ва маданият. 22.30 — Афсус-надомат. Бадиий фильм. 2-серия.

ТОШКЕНТ-II. 18.10 — Ўзбектелефильм: ишланишлар ва муаммолар. 19.00 — Назарий механика. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Инглиз тили. 20.50 — Нўлда. Бадиий фильм. 21.30 — Москва-IV.

11 ДЕКАБРЬ, ЖУМА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Ҳамма нарсадан азиз. Киноэпопея. 4-фильм. 11.05 — Сизга манзур шеърлар. 11.55 — Концерт. 12.30 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 15.50 — Олга, болакайлар. 16.35 — Подмосковье учрашувлари. 17.05 — Ҳужжатли фильм. 17.25 — Қўл тўпи бўйича халқаро турнир. СССР — Испания. 17.45 — Қийшиқ кўзгулар қироллиги. Бадиий фильм. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Ҳужжатли фильм. 19.40 — Халқ чолғу оҳанглари. 20.35 — Ҳамма нарсадан азиз. Киноэпопея. 5-фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Фигурали учиш 23.05 — Дунё воқеалари.

МОСКВА-IV. 9.00 — Время. 9.45 — Ҳужжатли фильм. 10.05 ва 17.00 — Совет тасвирий санъатида тарихий-революцион мавзу. 10.35 ва 11.35 — География. 11.05 — Умумий биология. 12.05 ва 17.30 — Инглиз тили. 12.40 — ва 13.40 — Тарих. 13.10 — Телефильм. 14.10 — Концерт. 15.05 — Қиссалар. 15.55 — География. 16.25 — Табиатшунослик. 16.45 — Ҳужжатли фильм. 19.30 —Фан оламида. 20.15 — Концерт. 20.30 — Сизни қизиқтирган адабиётлар. 21.15 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 21.30 — Время. 22.05 — Светланага посилка. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Биология. 12.00 — Илмий-оммабоп телефильм. 12.30 — Биология. 13.00 — Дилдан куйлаб, ўйна қувнаб. 14.00 — Касблар ҳақида ҳикоялар. 14.30 — Афсус-надомат. Бадиий фильм. 2-серия. 18.05 — Шоирлар болаларга. 18.30 — Ёшлик. 19.00 — «Зангори экран» почтаси. 19.30 — Ахборот. 19.45 —Чорвачилик-зарбдор фронт. 19.55— Мушель, композитор, рассом. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Б. Ҳамдамов куйлайди. 21.30— Время. 22.05 — Дунё воқеалари. 22.35 — Эртага премьера.

ТОШКЕНТ-II. 18.10 — Телефильм. 18.40 — Реклама. 19.00 — Чизма геометрия. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Немис тили. 20.50 — Телефильм. 21.00 — Сарой таклиф этади. 21.30 — Москва-IV.

12 ДЕКАБРЬ, ШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Буратино кўргазмаси. 10.35 — Ота-оналар, Сизлар учун. 11.05 — Ҳамма нарсадан азиз. Киноэпопея. 5-фильм. 12.00 — Фильм-концерт. 12.50 — Спортлото. 13.00 — Рассомлар ҳақида ҳикоялар. 13.00 — Илмий-оммабоп фильм. 13.50 —Сиз бунга қодирсиз. 14.50 — Камалак. 15.15 — Дунё воқеалари. 15.30 — Қисқа метражли бадиий фильмлар. 16.20 — Ҳайвонот оламида. 17.20 — Ҳамдўстлик. 17.50 — Дўстлик кўнгли. 19.00 — Сиёсий шарҳловчи Ю. А. Летунов суҳбати. 19.30 — Фигурали учиш бўйича халқаро мусобақалар. 20.15 — Менинг муҳаббатим. Кинокомедия. 21.30 — Время. 22.05 — Фигурали учиш бўйича халқаро мусобақалар. 22.45 — Кинопанорама.

МОСКВА-IV. 9.00 — Время. 9.45 — Илмий-оммабоп фильмлар. 10.20 — Тонгги почта. 10.50 — Ҳужжатли фильм. 11.05 — Концерт. 11.55 — Н. Тихонов. Йиллар ва йўллар. 12.35 — Киносаёҳатчилар клуби. 13.35 — Фильм-спектакль. 16.00 — Тўпли хоккей. «Динамо» (М) — «Сибсельмаш». 17.45 — Ёш келин-куёвлар телеклуби. 19.00 — Музикали киоск. 19.30 — Здоровье. 20.15 — Театр афишаси олдида. 21.15 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 21.30 — Время. 22.05 — Мулойим. Бадиий фильм — 23.20 — Концерт.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Телеминиатюралар. 10.55 — Сўз кетидан сўз келар. 11.15 — Телеспектакль. 12.40 — Светофор. 13.25 — Концерт. 14.05 — Шахмат мактаби. 14.35 — Кинокўрсатув. 18.05 — Мультфильмлар. 18.30 — Биргаликда шодон қадам ташлаймиз. 19.00 — Инсон ва қонун. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ўзбекистон рассомлар союзининг кўргазма зали. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Ойсулув даласи. Бадиий фильм. 23.20 — Телефильм.

18.00 — **Душанба кўрсатувлари.**

13 ДЕКАБРЬ, ЯКШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Зарядкага сафланинг. 10.00 — Концерт. 10.25 — Будильник. 10.55 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 11.55 — Здоровье. 12.40 — Тонгги почта. 13.10 — Қишлоқ янгиликлари. 14.10 — Музикали киоск. 14.40 — Кинолавҳа. 14.50 — Кечиккан севги. Фильм-спектакль. 17.05 — Киносаёҳатчилар клуби. 18.05 — Фигурали учиш бўйича халқаро мусобақалар. 18.35 — Мультфильмлар. 19.50 — Музикали программа. 19.35 — Халқаро панорама. 20.20 — 1981 йил қўшиқлари. 21.30 — Время. 22.00 — Фигурали учиш бўйича халқаро мусобақалар. Кўргазмали чиқишлар. 22.00 — Волейбол. Европа чемпионлари кубоги. ЦСКА — «Младость» (Югославия). 00.30 — Янгиликлар.

МОСКВА-IV. 9.00 — Время. 9.45 — Кинопрограмма. 10.35 — Камалак. 10.55 — Қийшиқ кўзгулар қироллиги. Бадиий фильм. 12.25 — Халқ оҳанглари. 12.40 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 13.40 — Ҳужжатли фильм. 14.40 — Концерт. 17.55 — Илмий-оммабоп фильм. 18.10 — Кундан кунга. Телеспектакль. 19.25 — Волейбол. Кубок ғолиблари кубоги. Динамо (М) — НИМ (Венгрия). 19.55 — 9-студия. 21.15 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 21.30 — Время. 22.05 — Бадиий фильм. 23.15 — Адабий ўқиш.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Ҳужжатли фильм. 10.25 — Варшава таронаси. Телеспектакль. 11.40— Мультфильм. 12.00 — Қувноқ стартлар. 13.00 — Ёшлик. 14.00 — Болалар учун фильм. 15.15 — Ўзбекистон спорти. 15.45 — Реклама. 18.05 —Биргаликда шодон қадам ташлаймиз. 18.35 — Санъат ғунчалари. 19.00 — Фильм-концерт. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Телеминиатюралар. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Порлоқ келажакка чорлаб. Бадиий фильм.

16.00 — **Фрунзе кўрсатувлари.**

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05; масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05; секретариат — 33-72-83, 32-53-06, 32-54-11; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70; коммунистик тарбия — 32-54-29; халқаро ҳаёт — 32-54-14; саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-18; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва спорт — 32-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27; хатлар ва оммавий ишлар —